Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. № 79 (7820). ● 24 апрель, 1982 йил ● ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

20 ИЮНЬ — МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ЮКСАК АКТИВЛИК

Ҳамма жойдагидек областимиз коллективларининг сайловолди йиғилишлари давом этмоқда. Уларнинг иштирокчилари ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг энг муносиб вакилларини депутатликка номзод қилиб кўрсатмоқдалар.

Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи 3-цех аппаратчиси Насиба Тўғоновна Болтабоевани халқ депутатлари Тошкент область Совети депутатлигига номзодликка кўрсатиб, унга юксак ишонч билдирди.

Бўка районидаги Фрунзе номли колхознинг илғор аъзоси М. Ш. Боева меҳнатсеварлиги, жамоатчилиги билан танилган. Область Советининг депутати Муҳаббат Шукуровна сайловчилар наказларини амалга оширишга катта масъулият билан ёндашади. Бу муҳим ишга кўп куч-ғайрат сарфлайди. Хўжалик меҳнаткашлари ўз йиғилишларида М. Ш. Боеванн қайтадан Тошкент область Совети депутатлигига номзодликка кўрсатдилар.

Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози меҳнаткашларининг йиғилиши Тошкент область Совети депутатлигига шу хўжаликнинг бригада бошлиғи Йўлдошбой Хўжаҳмедович Дўсов номзодини кўрсатишга бир овоздан қарор қилди.

Бекобод районидаги Навоий номли колхоз правлениесининг раиси Абдуваҳоб Султонов ҳам Тошкент область Совети депутатлигига номзодликка кўрсатилди.

Чирчиқ шаҳридаги 160-қурилиш трестига қарашли «Чирчиқжилстрой» қурилиш бошқармасида бўлиб ўтган йиғилишда Тошкент область партия комитетининг секретари Фёдор Григорьевич Потуремский якдиллик билан халқ депутатлари Тошкент область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Бўка районидаги «Бўка» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мария Александровна Ковалева раҳбарлик қилаётган бригадаси пахтачиликда йил сайин юксак кўрсаткичларни қўлга киритмоқда. Пахтакорлар ўз сайловолди йиғилишларида Мария Александровна Ковалёвани қайтадан Тошкент обасъ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Тошкент ва Самарқанд қишлоқ хўжалик институтларини, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини ҳамда Андижон пахтачилик институтини битириб чиқувчи студентлардан бир группасининг ташаббусини маъқуллади. Мана шу студентлар институтларни тамомлагандан кейин колхозлар ва совхозларда мастерлар, механиклар, гидротехниклар, бўлим, бригада, фермаларнинг, участкаларнинг ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ўрта бўғинидаги бошқа бўлинмаларнинг раҳбарлари бўлиб ишлашга қарор бердилар ва республика олий ўқув юртлари ҳамда техникумларини битириб чиқаётган барча кишиларга мурожаат этиб, ўзларидан ўрнак олишга даъват қилдилар.

Область партия комитетларига, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, қишлоқ хўжалик, мевасабзавотчилик хўжалиги, мелиорация ва сув хўжалиги министрликларига, «Главсредазирсовхозстрой»га, олий ва ўрта ўқув юртларининг ректоратлари, дирекциялари ва партия ташкилотларига Тошкент ва Самарқанд қишлоқ хўжалик институтларини, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини ҳамда Андижон пахтачилик институтини битириб чиқувчилардан бир группасининг мурожаатномасини бошлангич партия ва комсомол ташкилотлари, профессор ва ўқитувчилар составлари, студентлар коллективларининг йиғилишларида муҳокама қилиш, ёш мутахассисларнинг ҳаммаси дипломларини олгандан кейин ишлаб чиқаришда ўзлари танлаган касбларда ишлайдиган бўлишлари учун олий ўқув юртлари ва техникумларнинг студентлари ўртасида сиёсий-тарбиявий ҳамда тушунтириш ишларини кучайтириш таклиф этилди.

ТОШКЕНТ ВА САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТЛАРИНИ, ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИНИ ҲАМДА АНДИЖОН ПАХТАЧИЛИК ИНСТИТУТИНИ БИТИРИБ ЧИҚУВЧИ СТУДЕНТЛАРДАН БИР ГРУППАСИНИНГ РЕСПУБЛИКАДАГИ ОЛИЙ ВА ЎРТА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИ БИТИРИБ ЧИҚУВЧИЛАРГА

МУРОЖААТИ

Азиз дўстлар!

Биз партия ва ҳукуматнинг олий мактабни янада ривожлантириш тўғрисидаги, мутахассис кадрлардан омилкорлик билан, оқилона фойдаланиш зарурлиги ҳақидаги қарорларини зўр масъулият туйғуси билан ўрганмоқдамиз. Ўрток Л. И. Брежневнинг олий ва ўрта қишлоқ хўжалик маълумотини олган ёшларнинг атиги ярмидан ҳам камроғи республиканинг бевосита колхоз ва совхозларида ишлаётганлиги тўғрисида айтган фикр-мулоҳазаларини биз ҳаракат программаси деб қабул қилдик.

Биз ўзимизнинг халқ олдидаги, партия ва давлат олдидаги бурчимизни равшан англаб, институтларнинг даргоҳида ҳосил қилинган барча билимлар ва маҳоратни қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигини янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни механизациялаш, автоматлаштириш ҳамда электрлаштириш ишига сарфлаш нақадар муҳим ва зарур эканлигини тушунамиз.

Азиз дўстлар, биз ҳеч шубҳа қилмаймизки, сизлар бизнинг даъватимизни чин қалбдан астойдил маъқуллаб кутиб оласизлар, сизлар билан биргаликда республика экономикаси аграр секторини янада юксалтириш режаларини амалга оширамиз. Бу КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезднинг қарорларини амалга оширишнинг актив иштирокчилари бўлишга, партия аграр сиёсатини ва озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшишга тайёрмиз.

Биз — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини битириб чиқувчи 200 киши, Тошкент қишлоқ хўжалик институтини битириб чиқувчи 100 киши, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини битириб чиқувчи 74 киши, Андижон пахтачилик институтини битириб чиқувчи 30 киши институтларни тамомлагандан кейин мастерлар, механиклар, гидротехниклар, бўлимларнинг, бригадалар, фермаларнинг ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва сув хўжалиги қурилиши ўрта бўғини бошқа бўлинмаларининг раҳбарлари бўлиб ишламоқ учун жонажон колхоз ва совхозларимизга қайтиб боришга қарор қилдик.

Жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукуматини ишонтириб айтамизки, пахта ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун институтларда олинган билимларни сарфлаймиз. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг ғоят муҳим вазифаларини астойдил ва собиткадамлик билан ҳал этиш, колхоз ва совхозлар партия ташкилотларининг ишончли таянчи бўлиш, коммунистик жамиятнинг муносиб бинокорларини камол топтиришда уларга ёрдам бериш мажбуриятини қабул қиламиз.

Биз республика қишлоқ хўжалик олий ва ўрта ўқув юртларини битириб чиқувчи кишиларга мурожаат қилиб, биздан намуна олишга даъват этамиз.

Азиз дўстлар, биз ҳеч шубҳа қилмаймизки, сизлар бизнинг даъватимизни чин қалбдан астойдил маъқуллаб кутиб оласизлар, сизлар билан биргаликда республика экономикаси аграр секторини янада юксалтириш режаларини амалга оширамиз. Бу КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезднинг қарорларига, Ўрток Л. И. Брежневнинг СССР касаба союзлари XVII съездида ва республикага Ленин орденини топширишига бағишланиб Тошкентда ўтказилган тантаналарда сўзлаган нутқларига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республиканинг барча меҳнаткашларига мурожаатига амалий иш билан жавоб бериб, чигит экишни уюшқоқлик билан бошладилар ва олти иш кунида сифатли қилиб экиб бўлдилар. Экиш билан бир вақтда минерал ўғит ва гербицидлар солинди. Асосий майдонларга сифатли тайёрланган юқори репродукцияли уруғлик экилди.

Ҳозирги кундаги кечиктириб бўлмайдиган энг муҳим вазифа шундан иборатки, ҳамма майдонларда чигитни тўла ва текис ундириб олиш, гектарларда кўчатнинг белгиланган қалинлигини таъминлаш, ғўза қатор ораларига уюшқоқлик билан, юксак агротехника қоидалари асосида ишлов бериш ва кўчат қалинлигини тўла сақлаб қолиш зарур.

Бу муҳим вазифани бажариш учун область пахтакорлар Совети ҳозирги об-ҳаво шароитидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги агротехник тадбирларни амалга оширишни тавсия этади:

1. ЧИГИТНИ ТЎЛА ВА ТЕКИС УНДИРИБ ОЛИШ

Синоптиклар берган маълумотларга қараганда апрель ойда бўлган ёғин миқдори нормадагидан тенг баравар кам бўлди. Апрелнинг иккинчи ўн кунлигида ҳароратнинг кескин кўтарилиши ернинг ҳайдалган қисмидаги намликнинг тез кўтарилиб кетишига сабаб бўлди.

Маълумотларга кўра, ғўзанинг ўсиш даврида Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларида ҳам сувнинг кўп йиллик нормадагидан кам бўлиши кутилмоқда.

Шу муносабат билан ҳамма колхоз ва совхозларда чигитнинг қандай ўниб чиқаётганлиги, тупроқнинг 25—30 сантиметр чуқурликдаги зарур намлик қай даражада эканлиги ҳар куни текшириб борилиши ва чигит суви берилиши зарур бўлган майдонлар аниқланиши керак.

Биринчи навбатда чигит ҳали ўниб чиқмаган ёки уруғлик бўртиб турган бўлса ҳам намлик етишмаётган карталарга чигит суви берилади. Сувни енгил тараш ва иккиучи кун ичида бу муҳим ишни ниҳоясига етказиш лозим. Бу ишни сифатли ва қисқа муддатда ўюшқоқлик билан ўтказиш зарур.

Оққўрғон, Бекобод, Бўка районлари хўжаликларида чигитни бир текис ундириб олиш учун мавжуд меҳнат ресурслари тўла сафарбар этилган. Суғориш кеча-ю-кундузи узлуксиз давом этяпти. Сувчиларнинг юксак унум билан ишлашлари учун дала шийпонларида шарт-шароитлар яратиб берилган. Ҳар бир бригадага район ва хўжалик активларидан масъул кишилар бириктирилган.

Бироқ, бир қатор хўжалик ва районларда бу муҳим иш яхши уюштирилмаган.

Бир-икки кун ичида ҳар бир хўжаликда етарли миқдорда тажрибали сувчиларни ажратиб, уларнинг бир суткада 0,5—0,7 гектар майдонга чигит суви беришларини таъминлаш лозим. Сув кечаю-кундуз тўхтовсиз таралиши керак.

Ноқулай об-ҳаво шароити муносабати билан ҳамда сувдан самарали ва рационал фойдаланиш мақсадида тупроқ шароитини ҳисобга олиб, сувчиларга норма белгилаш ва ҳақ тўлашни қайта кўриб чиқиш лозим бўлади. Сувчиларни уч маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш зарур. Сувни эгатларга бир текис ва жилдиратиб тараш мақсадида сувчиларга нам ўтмайдиган қоғоз ва бошқа воситалар керакли миқдорда етказиб берилиши керак.

Карталарга ўқ ариқлар ўз вақтида ўтказишга қаратилган ташкилий агротехник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тавсия этилди.

Ҳозирги рўй берган иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда ҳамма ерда чигит суви бериш ва чигит ўниб чиққан майдонларда ҳам суғоришни авж олдириш зарур.

Шу мақсадда ҳар бир бригадада етарли миқдорда тажрибали сувчиларни ажратиш, уларнинг кечаси-ю кундузи юқори унум билан ишлашлари учун барча шароитларни яратиб бериш тавсия этилди.

Сувдан оқилона, тежаб ва самарадорлик билан фойдаланиш устидан кундалик назорат ўрнатиш лозим. Сувдан фойдаланиш самарадорлигини 90—95 процентга етказиш учун қўшимча тадбирларни кўриш талаб этилади.

Мазкур тавсияда кўрсатилган муддатларда амал қилиб, озиқлантириш, суғориш ва қатор ораларига ишлов беришни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш керак.

Районлар ва хўжаликларда ташкил этилган сифат комиссияларининг ишини кучайтириш, уларни малакали мутахассислар, ишлаб чиқариш илғорлари билан мустаҳкамлаш топширилди.

Шунингдек, бригадалар, колхозлар, совхозлар, районлар ўртасида чигитни бир текис ундириб олиш, гектарларда белгиланган миқдорда кўчат қалинлигини таъминлаш, ғўза қатор ораларига биринчи цикл ишлов беришни ўз вақтида ўтказишлишга эришиш учун социалистик мусобақа ташкил этиш тавсия этилди.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газета редакцияларига чигитни бир текис ундириб олишга эришган, ғўза қатор ораларига ўз вақтида ва сифатли ишлов бераётган илғор хўжаликлар ва бригадаларнинг иш тажрибаларини кенг ёритиб бориш топширилди.

ЧИГИТНИ БИР ТЕКИС ВА ТЎЛА УНДИРИБ ОЛАЙЛИК

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитети, область пахтакорлар Советининг чигитни тўла ва бир текис ундириб олиш, кўчатнинг нормал қалинлигини таъминлаш, қатор ораларига биринчи цикл ишлов беришни ўз вақтида ўтказиш юзасидан тавсияларини маъқуллади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги бошқармалари, «Ташоблсельхозтехника», «Ташоблсельхозхимия» бирлашмалари ва уларнинг жойлардаги органларига, хўжаликларнинг раҳбарлари ва партия ташкилотларига икки кун муддат ичида мазкур тавсияни барча пахтакор колхозлар, совхозлар, бригадаларда кенг муҳокама этиш, маҳаллий конкрет шароитни ҳисобга олган ҳолда яқин кунлар ичида барча майдонларда чигитни бир текис ундириб олиш, гектарларда белгиланган миқдордаги кўчат қалинлигини таъминлаш, ғўза қатор ораларига биринчи цикл ишлов беришни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш керак.

Шу мақсадда ҳар бир бригадада етарли миқдорда тажрибали сувчиларни ажратиш, уларнинг кечаси-ю кундузи юқори унум билан ишлашлари учун барча шароитларни яратиб бериш тавсия этилди.

Сувдан оқилона, тежаб ва самарадорлик билан фойдаланиш устидан кундалик назорат ўрнатиш лозим. Сувдан фойдаланиш самарадорлигини 90—95 процентга етказиш учун қўшимча тадбирларни кўриш талаб этилади.

Мазкур тавсияда кўрсатилган муддатларда амал қилиб, озиқлантириш, суғориш ва қатор ораларига ишлов беришни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш керак.

Районлар ва хўжаликларда ташкил этилган сифат комиссияларининг ишини кучайтириш, уларни малакали мутахассислар, ишлаб чиқариш илғорлари билан мустаҳкамлаш топширилди.

Шунингдек, бригадалар, колхозлар, совхозлар, районлар ўртасида чигитни бир текис ундириб олиш, гектарларда белгиланган миқдорда кўчат қалинлигини таъминлаш, ғўза қатор ораларига биринчи цикл ишлов беришни ўз вақтида ўтказишлишга эришиш учун социалистик мусобақа ташкил этиш тавсия этилди.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газета редакцияларига чигитни бир текис ундириб олишга эришган, ғўза қатор ораларига ўз вақтида ва сифатли ишлов бераётган илғор хўжаликлар ва бригадаларнинг иш тажрибаларини кенг ёритиб бориш топширилди.

ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАР СОВЕТИНИНГ ЧИГИТНИ ТЎЛА ВА ТЕКИС УНДИРИБ ОЛИШ, КЎЧАТНИНГ НОРМАЛ ҚАЛИНЛИКДА БЎЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ҚАТОР ОРАЛАРИГА ЎЗ ВАҚТИДА БИРИНЧИ ЦИКЛ ИШЛОВ БЕРИШ ЮЗАСИДАН

ТАВСИЯЛАРИ

Область қишлоқ меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўрток Л. И. Брежневнинг республикага Ленин орденини топширишга бағишланган тантанали йиғилишида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган кўрсатмаларни бажара бориб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республиканинг барча меҳнаткашларига мурожаатига амалий иш билан жавоб бериб, чигит экишни уюшқоқлик билан бошладилар ва олти иш кунида сифатли қилиб экиб бўлдилар. Экиш билан бир вақтда минерал ўғит ва гербицидлар солинди. Асосий майдонларга сифатли тайёрланган юқори репродукцияли уруғлик экилди.

Ҳозирги кундаги кечиктириб бўлмайдиган энг муҳим вазифа шундан иборатки, ҳамма майдонларда чигитни тўла ва текис ундириб олиш, гектарларда кўчатнинг белгиланган қалинлигини таъминлаш, ғўза қатор ораларига уюшқоқлик билан, юксак агротехника қоидалари асосида ишлов бериш ва кўчат қалинлигини тўла сақлаб қолиш зарур.

Бу муҳим вазифани бажариш учун область пахтакорлар Совети ҳозирги об-ҳаво шароитидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги агротехник тадбирларни амалга оширишни тавсия этади:

1. ЧИГИТНИ ТЎЛА ВА ТЕКИС УНДИРИБ ОЛИШ

Синоптиклар берган маълумотларга қараганда апрель ойда бўлган ёғин миқдори нормадагидан тенг баравар кам бўлди. Апрелнинг иккинчи ўн кунлигида ҳароратнинг кескин кўтарилиши ернинг ҳайдалган қисмидаги намликнинг тез кўтарилиб кетишига сабаб бўлди.

Маълумотларга кўра, ғўзанинг ўсиш даврида Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларида ҳам сувнинг кўп йиллик нормадагидан кам бўлиши кутилмоқда.

Шу муносабат билан ҳамма колхоз ва совхозларда чигитнинг қандай ўниб чиқаётганлиги, тупроқнинг 25—30 сантиметр чуқурликдаги зарур намлик қай даражада эканлиги ҳар куни текшириб борилиши ва чигит суви берилиши зарур бўлган майдонлар аниқланиши керак.

Биринчи навбатда чигит ҳали ўниб чиқмаган ёки уруғлик бўртиб турган бўлса ҳам намлик етишмаётган карталарга чигит суви берилади. Сувни енгил тараш ва иккиучи кун ичида бу муҳим ишни ниҳоясига етказиш лозим. Бу ишни сифатли ва қисқа муддатда ўюшқоқлик билан ўтказиш зарур.

Оққўрғон, Бекобод, Бўка районлари хўжаликларида чигитни бир текис ундириб олиш учун мавжуд меҳнат ресурслари тўла сафарбар этилган. Суғориш кеча-ю-кундузи узлуксиз давом этяпти. Сувчиларнинг юксак унум билан ишлашлари учун дала шийпонларида шарт-шароитлар яратиб берилган. Ҳар бир бригадага район ва хўжалик активларидан масъул кишилар бириктирилган.

Бироқ, бир қатор хўжалик ва районларда бу муҳим иш яхши уюштирилмаган.

Бир-икки кун ичида ҳар бир хўжаликда етарли миқдорда тажрибали сувчиларни ажратиб, уларнинг бир суткада 0,5—0,7 гектар майдонга чигит суви беришларини таъминлаш лозим. Сув кечаю-кундуз тўхтовсиз таралиши керак.

Ноқулай об-ҳаво шароити муносабати билан ҳамда сувдан самарали ва рационал фойдаланиш мақсадида тупроқ шароитини ҳисобга олиб, сувчиларга норма белгилаш ва ҳақ тўлашни қайта кўриб чиқиш лозим бўлади. Сувчиларни уч маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш зарур. Сувни эгатларга бир текис ва жилдиратиб тараш мақсадида сувчиларга нам ўтмайдиган қоғоз ва бошқа воситалар керакли миқдорда етказиб берилиши керак.

Карталарга ўқ ариқлар КЗУ-0,3 механизми ёрдамида олинади. Бир-икки кун давомида ҳамма хўжаликларда тракторларга культиваторлар ва эгат оладиган мосламаларни осиб қўйиш керак. Қатор оралари 90 сантиметр бўлган майдонларга 18—20 сантиметр, 60 сантиметр бўлган майдонларга 16—18 сантиметр чуқурликда эгат олинади. Қатор оралари 60 сантиметр бўлган карталарга сув эгат оралатиб, 90 сантиметрли карталарга агар ер қия бўлса ҳар бир эгат бўйлаб тез жилдиратиб, текис майдонларга эса эгат оралатиб таралади. Пушталарнинг захлаб кетиши ва карта четларида сувнинг қўллашига йўл қўйиб бўлмайди. Эгатлар у қадар узун бўлмаслиги лозим.

Бу йилги шароитда чигит суви бериб бўлинганидан сўнг ҳамма ерда ғўзаларга биринчи сув бершга киришилади.

Ер ости сувларининг кўтарилиши чигитнинг тез ва тўла ўниб чиқишига ёрдам беради. Шунинг учун хўжаликларда мавжуд бўлган коллектор-дренаж тармоқларини вақтинча кўмиб туриш фойдалидир.

Ўтган йиллар тажрибасига амал қилиб, ҳамма хўжалик, бригада ва звеноларда механизаторларга ҳамда сувчиларга огоҳлантириш талонлари бериб қўйиб, уларда эгат олиш, суғориш, ва қатор ораларига ишлов беришда йўл қўйилган камчиликлар қайд этиб борилади.

Шунингдек сифат комиссиялари ишини кучайтириш, майдонларга сифат белгиси олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш ҳам муҳимдир.

II. КЎЧАТНИНГ НОРМАЛ ҚАЛИНЛИКДА БЎЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ

Асосий вазифа йиғим-терим пайтгача областда ҳар гектар майдонда камида 130 минг туп кўчат бўлишини таъминлашдан иборатдир.

Илғор хўжаликларнинг тажрибаси кўчат қалинлигини ва экиш схемасини тупроқ ва иқлим шароитлари, айниқса, экилаётган чигит навига қараб, ҳар бир далага мослаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Кўп йиллик кузатишлар ҳамда илғор хўжалик ва бригадаларнинг иш тажрибаси областимиз шароитида кўчат қалинлигининг қуйидагича бўлиши маъқуллигини исботламоқда:

ғўза тез ўсадиган ер ости сувлари юза жойлашган ўтлоқ ерларда—115—120 минг туп;

ер ости суви чуқур жойлашган одатдаги сариқ тупроқли ерларда, шунингдек, бироз шўрланган ерларда — 120—130 минг туп;

ғўза паст бўлиб ўсадиган кам қувват ерларда 140—150 минг туп.

Бу йил область хўжаликларидаги 11 минг гектар майдонга «Тошкент-6» навли чигит экилди. Унинг қалинлиги қуйидагича бўлади:

ўтлоқ ерларда 130—135 минг туп;

одатдаги сариқ тупроқли ерларда 140—145 минг туп;

кам қувватли ерларда 145—150 минг туп.

Ғўза тупларининг қаторларда якка ҳолда жойлашиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳамма майдонларда чигитни сифатли ва тўла ундириб олиб, гектарларда кўчатнинг нормал қалинлигини таъминламагунча чигит экиш тугалланди, деб бўлмайди. Ҳатто чигит тўла ўниб чиқиб, кўчат қалинлиги нормал бўлган майдонларда ҳам қаторларда хато ўялар бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам хато ўяларга, карталарнинг четлари ва бурчакларига, ўқ ариқларга дорилланган ва яхши намланган уруғликни қўлда экиб чиқиш лозим. Областимизда ўқ ариқлар, карталарнинг четлари ва бурчаклари, карталарнинг ўртасидаги кўпйиллик дарахтларнинг остидаги экилмай қоладиган ерлар қариб 2 минг гектарга етади.

Карталарда чигит тўла ўниб чиққандан сўнг яганага киришилиб, ҳамма ерда энг қисқа муддатларда тугалланади. Яганага қилиш билан бир вақтда майдонлари бегона ўтлардан ҳам тозаланади.

Агар яганага кечиктириб юборилса ғўзалар нимжон бўлиб қолади ва ҳосил чўғи камаяди. Яганага ишларига жалб этилган ҳар бир дала меҳнаткаши қўлида ўлчов линейкаси бўлиши зарур. Бу кўчат қалинлиги белгиланган нормада бўлишини, ғўза тупларининг бир хил ораликда жойлашишини таъминлайди. Яганани сифатли ўтказиш учун бригаданинг ҳар бир аъзосига ер бириктириб қўйилиб, бригада бошлиғи ҳар куни сифатга алоҳида эътибор берган ҳолда ишни қабул қилиб олиши керак.

Ягана қилиш пайтида бир хил катталикдаги кўчатлар қолдирилиши лозим. Ягана тугагач, ҳар бир майдондаги кўчат қалинлиги аниқланиб, сифат комиссияси акти билан қабул қилиб олинади ва бригада бошлиқлари, механизаторлар ҳамда сувчиларга топширилади.

III. ҒЎЗАГА БИРИНЧИ ЦИКЛ ИШЛОВ БЕРИШ

Чигит тўла ундириб олинганидан сўнг қатор ораларига ишлов беришни тезлик билан авж олдириб юбориш зарур. Мавжуд ҳамма культиваторларга ишчи органларини, шунингдек, «РОР» ва «ККО» мосламаларини осиб ишлатиш лозим.

Ишчи органлари шундай ўрнатилиши керакки, ғўза қатори билан четки ишчи органи оралиғида 8—10 сантиметр жой қолсин. Чунки худди шу ерга гербицид сепилган. Бу зона ўз ҳолича қолдирилганда дорининг таъсири узоқ муддат сақланади. Ишчи органларининг чуқурлиги қуйидагича бўлиши керак: эгат четларида 6—8 сантиметр, эгат ўртасида 12—15 сантиметр. Бунинг учун эгат четларига РОР ротацион юлдузчалар 3—4 сантиметр чуқурликда, эгат ўртасига эса ёйсимон бошмоқ (лапа) ва комплекс юмшатувчи органлар осилади.

Биринчи культивация пайтида ҳар гектар ерга 100 килограммдан яхши майдалаб эланган қуруқ гўнг аралаштирилган аммофос ўғити солинади.

Ҳамма ерда органик ва бошқа ўғитлар аралашмаси тайёрланадиган марказий пунктлар ташкил этиш лозим.

Ғўза суғорилиши зарур бўлган участкаларда культивация билан бир пайтда эгат олиб кетилади.

Механизаторларнинг культивацияни сифатли ўтказиш, ғўза илдизларининг шикастланишига йўл қўймаслик ва ўсиш даврининг охиригача кўчат қалинлигини тўла сақлаб қолиш юзасидан масъулиятларини ошириш муҳимдир. Ҳар бир иш ниҳоясига етказилгач, майдон сифат комиссияси акти билан қабул қилиб олинади. Бажарилган ишнинг сифатига қараб ҳақ тўланади. Ҳозирги кунда ҳар бир хўжаликда қатқалоқни юмшатишда қўлланиладиган мосламаларни керакли миқдорда тайёрлаб қўйиш зарур. Агар лозим бўлиб қолса бу ишга меҳнатга ярокли бўлган барча колхозчиларни ва совхоз ишчиларини оммавий сафарбар этиб, икки-уч кундан кечиктирмай қатқалоқни юмшатиш керак.

IV. ҒЎЗА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ

Бу йилги иқлим шароити кишлоқ хўжалик зараркунандаларининг кўпайиши учун қулай келди. Айниқса, шира, трипс ва кузги тунлам ҳашаротларининг кўпроқ зарар келтириши кутилмоқда.

Зараркунандаларнинг тез кўпайиб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари майдонларига ёйилиб кетиши олдини олиш мақсадида улар пайдо бўлиб, кўпайдиган жойларда профилактика чораларини кўриш лозимдир.

Зараркунандалар тарқалган участкаларни ўз вақтида аниқлаш учун ҳар бир бригадага кузатувчилар бириктириб қўйилади. Улар фойдали ва зараркунанда ҳашаротларни аниқлаш усулларини ўрганадилар. Химиявий ишлов бериш фақат кузатишлар натижасига қараб ўтказилади. Тут баргининг заҳарли модда билан заррланмаслиги учун ишни тут дарахтлари йўқ жойдан бошлаш керак. Зараркунанда ҳашаротлар тарқалган майдон атрофидаги тут барглари биринчи навбатда кесиб олиниб, ипак қуртига берилиши зарур.

Шира ва трипс зараркунандалари тарқалган майдонларга эҳтиёткорлик билан қуйидаги препаратлар ёрдамида ишлов берилади: ҳар гектар ерга 2 килограмм антио, 1,5 килограмм Би-58 заҳарли моддалари ОВХ-14 ва ОВХ-28 пуркагичлари ёрдамида сепилади, бир гектар майдонга 400 литр суюқлик сарфланади. ПГС — мосламалари қўлланилганда эса суюқлик тенг баравар қисқартирилади.

Қайси участкада кузги тунлам ҳашаротлари тухум қўя бошлаганлиги аниқланса, бу ерларга лабораторияларда кўпайтирилган трихограмма ҳашаротлари қўйилади. Бунда ҳар гектар майдонга ҳар беш кундан сўнг уч марта 2 минг донадан трихограмма тарқатилади.

Кузги тунлам қурти пайдо бўлган майдонларга 0,3 процентли хлорофос аралашмаси билан ишлов берилади. Кузги тунламга қарши кечқурун ва кечаси дори сепиш, айниқса, яхши самара беради.

Областимиз пахтачилик бригадалари, колхозлар ва совхозларнинг коллективлари КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўрток Л. И. Брежневнинг пахта етиштиришни жадал суръатлар билан ўстириб бориш, айниқса, биринчи ва иккинчи сортли пахта миқдорини кескин кўпайтириш юзасидан берган кўрсатмаларини катта меҳнат ва сиёсий активлиги билан кутиб олдилар. Далаларда юксак уюшқоқлик, мустаҳкам интизом, намунасини кўрсатиб ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида амалга оширайлик. Ҳар бир бригада ва хўжаликда пахтадан мўл ва эртаки ҳосил етиштириш, область бўйича давлатга «оқ олтин» сотиш юзасидан 1981 йилда эришилган рекорд натижани такрорлаш ва ундан ҳам ўзиб кетиш имкониятлари бор. Бу мақсадга, эришиш бизнинг СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейига муносиб меҳнат совғамиз бўлади.

ТАВСИЯЛАР ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАР СОВЕТИНИНГ 1982 ЙИЛ 22 АПРЕЛДА БЎЛИБ ЎТГАН КЕНГАШИДА КЎРИБ ЧИҚИЛИБ, ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

Мурожаат Тошкент ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтларини, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини, Андижон пахтачилик институтини битириб чиқувчиларнинг умумий йиғилишларида қабул қилинган.

«БИЛИМ» ЖАМИЯТИ ОБЛАСТЬ ТАШКИЛОТИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Кеча «Билим» жамияти Тошкент область ташкилоти XV ҳисобот-сайлов конференцияси бўлди. Область ташкилоти правлениесининг раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси С. П. Турсунмуҳамедов конференцияда ҳисобот доклади қилди.

Конференцияда область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев нутқ сўзлади.

Конференцияда «Билим» жамияти область ташкилоти правлениеси, ревизия комиссияси, «Билим» жамияти республика ва Бутуниттифоқ съездларига делегатлар сайланди.

[Конференция ҳақидаги батафсил ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида берилади].

IV. САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» КОНСУЛЬТАЦИЯ БЮРОСИДАН

«Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Совет ларига сайлов тўғрисида» ва «Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларига сайлов тўғрисидаги Қонунларга мувофиқ сайлов кампанияси даврида районлар, шаҳарлар ҳамда Тошкент шаҳрининг районлари территориясида сайлов участкалари ташкил этилади. Улар овоз беришни ўтказиш ва овозлар сонини ҳисоблаш мақсадида территориал принципда тузилади.

Қонунчиликда сайлов участкаларини ҳарбий қисмлар, санаторий ва дам олиш уйлари, касалхона ва бошқа стационар даволаш муассасаларида тузиш ҳам белгиланган. Транзит пассажирлар учун сайлов участкалари Тошкент темир йўл станцияси ва пойтахт аэропортида тузилади.

Бу гал маҳаллий Советлар ва халқ судларига сайловлар қўшиб ўтказилиши сабабли улар учун сайлов участкалари умумий бўлади.

Маълумки, сайлов участкалари район ва шаҳар Советлари ижроия комитетлари, ҳарбий қисмларда эса тегишли Советлар ижроия комитети билан келишилган ҳолда қисмлар ва қўшилмаларнинг командирлари томонидан тузилади.

Сайлов кунида сафарда бўлган олис масофага қатновчи пассажир поездларида сайлов участкалари тузилмайди. Улардаги сайловчиларнинг овоз беришини йирик темир йўл станцияларидаги сайлов участкаларининг участка сайлов комиссиялари ташкил этадилар.

Сайлов тўғрисидаги Қонунларга биноан сайлов участкалари сайлов белгиланганидан сўнг 15 кундан кечиктирмасдан халқ депутатлари район, шаҳар (районга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари), шаҳар районлари ижроия комитетлари томонидан тузилади.

Тегишли Совет ижроия комитети районлар, шаҳарлар, Тошкент шаҳри районлари чегарасида сайлов участкаларининг ягона тартиб номерини жорий этади.

Сайлов тўғрисидаги амалдаги қонунчиликка биноан Совет

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

ВАРАКА № 4 (230)

◆ ЯШИЛ ПАЙКАЛЛАР НАЗОРАТДА
◆ ВАҚТНИНГ ҚАДРИГА ЕТИНГ
◆ ИСИТМАСИНИ ЯШИРСАНГ...
◆ СИР ОЧИЛДИ

ВАГОНЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Ҳозирги пайтда халқ хўжалиги юкларининг ярмидан кўпроғи темир йўллар орқали белгиланган манзилларга етказиб берилмоқда. Йўлларда темир йўл транспортини ривожлантиришга, ҳаракат составини янгилашга, юк оборотини оширишга алоҳида эътибор берилаяпти. Вагонлардан самарали фойдаланишда мавжуд резервлардан тўлароқ фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Кўрилаётган тадбирлар туфайли вагонларнинг бекор туриб қолиш ҳоллари маълум даражада қисқараяпти.

Лекин эришилган ютуқлар ҳали бизни қаноатлантирмайди. Яқинда шаҳардаги бир қатор темир йўл станциялари, корхона ва ташкилотлар бўйлаб ўтказилган рейд давомида юк ортиш ва тушириш ишларини тезлаштиришда ҳамон жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётганлиги маълум бўлди. Вагонларнинг бекамлиги билан ҳар бир вагон нормадаги 2 соат ўрнига 11,2 соат маҳтал бўлиб қолаяпти.

Вагонларни темир изларда «саргайтиришда» райпишчеторг раҳбарлари рекорд қўймоқдалар. Вагонларда келтирилган озиқ-овқат маҳсулотларини райпишчеторг ходимлари узоғи билан 2 соатда тушириб олиб, савдога чиқаришлари керак. Лекин улар турли хил баҳоналар билан вагонларни 49 соатлаб кутдириб қўймоқдалар. Уларга солинаётган жарималар негадир кор қилмаяпти. Чунки бу жарималар райпишчеторг раҳбарлари киссасидан тўланмайдида.

Шундай ҳолни Куйбишев райони корхоналарида ҳам кўриш мумкин. Халқ контроли комитети бу масалани илгари икки марта муҳокама қилиб қатор корхона ва ташкилот раҳбарларини жиддий огоҳлантирган эди. Лекин бу муҳокамадан улар ўзларига тегишли хулоса чиқармадилар. Ҳамон бир қатор корхоналарда юк ортиш ва тушириш ишлари оқсаб қолмоқда. Аниқса, 4-қурилиш трести, савдо ускуналари заводи, Салор қурилиш материаллари базаси, 2-ёғочни қайта ишлаш заводи каби корхоналарда вагонлар узоқ вақт маҳтал бўлиб қолаяпти. Шундай нуқсонлар учун район корхоналари ўтган йили темир йўл ташкилотига 85 минг сўмликдан кўпроқ жарима тўлашга мажбур бўлдилар.

«Средазэлектроаппарат» заводи шаҳримиздаги энг йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Корхона учун Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан ҳом ашёлар келиб туради. Тайёр бўлган маҳсулотлар эса пешма-пеш буюртмачиларга жўнатилади. Лекин кейинги пайтларда юк олиб келган вагонлар ва контейнерлар эътибордан четда қолаяпти. Ҳозир завод адресига келган юклар Ҳамза станциясида қалашиб кетган. Лекин юк тушириш ишлари ниҳоятда суст бораётганлиги учун вагонлар нормадан 12 марта кўп ушлаб қолинмоқда.

Текширув давомида яна кўпгина нуқсонлар очиб ташланди. Ақмал Икромов, Октябрь, Сергели ва Чилонзор районларидаги бир қатор ташкилотлар ҳам юк ортиш ва тушириш ишларини тезлаштиришга, вагонлардан самарали фойдаланишга эътиборсизлик билан қарамоқдалар. Корхоналардаги халқ контроли группалари ҳам вагонларни юклаш ишларини механизациялаш, юкчилар бригадалари ишини узликсиз ташкил этиш устида кам қайғурмоқдалар. Айни пайтда вагонларни узоқ муддат ушлаб қолган масъул кишилар жазодан четда қолмоқдалар.

Лекин бу галги текширув жиддий бўлди. Ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараётган кишилар алоҳида муҳокама қилинди. Текширув якуни бўйича 17 мансабдор шахс тегишли жазосини олди. Улардан 16 кишига жами 2350 сўм миқдорида начёт солинди. Шаҳар халқ контроли комитети халқ назоратчилари университети машғулотларидан бирида юк ортиш ва тушириш ишларини механизациялаш устидан назоратни кучайтириш бўйича масалани қўйди. Бу ҳақда республика халқ контроли комитети бўлим мудири А. Раҳимов қизиқарли доклад қилди. Шу темада яна доклад қилиш учун мутахассислар, район халқ контроли комитетлари раислари ҳам таклиф этилмоқда.

Район ва шаҳар халқ контроли комитетлари бундан бўён ҳам темир йўл станциялари фаолиятини, корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳаракатдаги составлардан қандай фойдаланаётганлигини мунтазам текшириб боради, байрам кунлари юк ортиш ва тушириш ишлари қандай ташкил этилаётганлиги устидан назоратни кучайтиради.

Ю. МИХАЙЛОВ,
Тошкент шаҳар халқ контроли комитети раисининг ўринбосари.

Меҳнат Қизил Байроқ ордени Урта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институти халқ контроли группаси аъзолари янги ихтиро қилинган агрегатларни сифатли синовдан ўтказишда актив қатнашмоқдалар. Суратда: институт илмий ходими А. Султонов, [чапдан] слесарлар бригадаси бошлиғи А. Жалилов ва йиғувчи слесарь М. Ҳазиев ёввойи ўт илдизини қирқувчи янги машина қисмларини кўздан кечиришяпти.
В. Белов ва В. Дубровский фотоси. (ЎзТАГ).

ХАЛҚ КОНТРОЛИ САҲИФАСИ ПОЧТАСИДАН

ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРНИ ИЗЛАБ

«ИЖ» мотоцикли сотиб олган кунларим менга етар одам йўқдек эди. Мотоциклни миниб дам олиш кунлари Бўстонлиққа чиқдим. Болалар ҳам, ўзим ҳам ҳурсанд эдик.

Лекин орадан кўп ўтмай мотоциклнинг инжиқлиги тута бошлади. Бир гал оцепленияннинг троси узилиб кетди. Иккинчи кун лампаси куйди. Орада стартер педалидаги резина ҳам тушиб қолди. Буларнинг ҳаммаси майда иш, магазиндан топилади деб ўйлаган эдим. Йўқ, булар аниқнинг уруғи экан.

Чирчиқдаги маданий моллар магазинининг спорт бўлимига кириб мотоцикл учун эҳтиёт қисмлар сўраган эдим, сотувчи кулиб юборди.

— Сиз айтаётган нарсаларнинг номи бор-у, ўзи йўқ. Нулингиз тушса Олмалиққа бир кириб ўтинг. Ўша ерда бор деб эшитган эдим.

Олмалиқда ҳам, Ангренда ҳам бўлдим. Лекин эҳтиёт қисмлари топа олмадим. Шундан кейин «тажрибали» шоферларнинг маслаҳати билан тўғри Тошкентга томон йўл солдим. Ҳаммаси бозорда экан. Отанг ҳам бозор, онанг ҳам бозор деган гап шунинг учун айтилган бўлса ажаб эмас. Дарров ишим ишиди. Лекин арзимаган эҳтиёт қисмларни икки — уч бараварига қиммат олганлигим кейин алам қилди.

Беихтиёр ўйга толдим. Нахотки, шу бозордаги олиб сотарларнинг эҳтиёт қисмлари тайёрловчи ўз заводлари бўлса, Йўқ, чамаси эҳтиёт қисмларнинг ҳаммаси базага тушади-ю, магазинларга етиб келмай тўғри бозорларга йўл олади. Биз шундай нопок одамларнинг нафси тийилишини, истаган пайтда эҳтиёт қисмларини магазин пештахталарида кўришни жуда ҳам истар эдик.

И. ЗИМИН,
Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

АЖАБ ҲАНГОМАЛАР

КЎНГИЛ ОВИ

Идорадагилар эълонни ўқиб секин қабулхонага киришди.

— Хўжайиннинг кайфиятлари қалай? — сўради улардан бири секретарь аёлдан.

— Ёмон. Область халқ контроли комитетидан келганларидан бери ичларига чироқ ёқса ёримайди. Чамаси қаттиқ гап эшитганга ўхшайдилар.

— Оббо, энди мажлис қилиб аламларини биздан олар эканлар-да.

Одамларнинг ранги оқариб секин-аста жойларига тарқалишди. Демак, бугунги мажлис одатдагиларига ўхшамайди. Ишқилиб директор жаҳл устида битта-яримтанинг бурнини қонатмасинда.

Мажлис ҳамма кутганидек жиддий бўлди. «Ангренторг» директори М. Зоҳидов бутун захрини одамларга тўкиб сочди. Область халқ контроли комитетида бўлган гапларнинг ҳаммасини гапирди. Идора ходимлари, магазин директорларининг айби учун қаттиқ ҳайфсан олганлиги, 200 сўм начет солинганлиги ҳақида ҳам гапирди.

— Сизларни деб мен кўпчиликнинг ўртасида шармандa бўлдим, — деди у кўкрагига уриб. — Ахир шу ҳам инсофданми? Қўл остимизда нималар бўлаётганлигини биттамиз ҳам текширмаймиз. Магазин директорлари ҳам, база мудирлари ҳам молни бемалол беркитиб сув қилаётган кишиларнинг танобини тортиб қўйишни ўйлашмайди. Текширув ўтказилган куни маълум бўлган камчиликларни кўриб уялганимдан ер ёрилмади, ерга кирмадим.

— Базаларда резерв мол турмаса бўлмайди-да. Ахир кўнгил ови деган гаплар ҳам йўқ эмас, — луқма ташлади идора савдо бўлими мудири М. Мадаминов. — Нозик ошна — оғайниларга юз бўлар деган мақсадда у —бу моллардан озроқ олиб қолинглар деган эдик.

— Мана шу резерв мол бошимизга етди, — деди директор баттар тутоқиб. — Тўғри, резервнинг бўлгани яхши. Ўзим ҳам резерв мол турсин дейман. Лекин бунчалик кўп молни беркитиб қолиш ярамайди-да. Биргина пойабзални олиб кўрайлик. Келган ҳар бир партия молнинг 25 процентдан кўпроғи резерв сифатида ушлаб қолинар экан. Шу йил 14 январда келган пойабзалларнинг 5 минг сўмлиги, 30 январдаги партиядан 4,5 минг сўмлиги, 22 февралда келтирилганидан эса салкам 3 минг сўмлиги кўча кўрмаган. Ҳаммаси Австрия, Финляндия, Югославия каби чет мамлакатларда тайёрланган камёб моллар. Қаранг, ўтган йилнинг ноябрида олинган этиклар, мавсумий туфлилар ҳам базанинг қоронғи бурчагида яшириниб ётган экан.

Мол яшириши база мудирларидан магазин директорлари ҳам ўрганишибди. 67-магазиндан савдога чиқарилмаган чет эл рўмоллари, пойабзаллар топилди. Чамаси сотувчилар уларни орқа эшикдан сув қилишга улгура олишмаган бўлса керак.

Қўшнинг кўр бўлса кўзингни қис деганларидек 40-, 45-магазинлардан ҳам камёб молларни беркитиб сотиш одат тусига кириб қолган эди. Текширув пайтида бу магазинлардан ҳам 2 минг сўмлик ҳаридгир моллар топилди. Улар ҳам пештахта юзини кўрмай нозик ошна-оғайнилар кўнглини овлашга ажратилган экан.

Йиғилиш «танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида» ўтди. Сўзга чиққан ҳар бир киши бундан бўён ҳалол ишлашга, савдо хизмати маданиятини оширишга сўз берди. Нотиқлар ўз ваъдаларига ҳозир қандай амал қилаётганликларини билмоқ учун назоратчилар яна бир бор база ва магазинларга рейд ўтказишлари керак.

Ж. НОСИРОВ.

ҲАР БИР НИҲОЛ ҲИСОБДА

Иш бошидан пухта бўлгани яхши-да. Чигит экиш кампанияси бошланиши олдидан биз группаларга бўлинишиб, гараж ва далаларни кўздан кечирдик. Чунки бу масъулиятли дамларда ҳар бир жараён аниқ бажарилиши керак. Акс ҳолда чигит экиш чўзилиб кетиши ёки бу жараён сифатсиз бажарилиши мумкин.

Колхозимизда 12 та цех халқ контроли группаси бор. Бош группа улар ишини мунтазам назорат қилиб турибди. Бу гал қуйи группалар билан ҳамкорликда далалар бир-бир текширувдан ўтказилди. Кафтдек текис пайкаллар экишга тайёр турарди.

Шундан сўнг сеялкаларнинг ҳозирлигини текширдик. Ўтказилган кўрикда 3—4 та агрегат панд берди. Дарҳол механизаторларга бу камчиликлар кўрсатилди. Улар қисқа муддат ичида машиналарни тайёрлаб дала бошига олиб чиқдилар.

Бу гал биз чигитни тежаб-тергаб экиш устидан ҳам алоҳида назорат ўрнатдик. Ўтган йили колхоз бўйича 105 тонна чигит сарфланган бўлса, бу йил 75 тонна сарф бўлди. Машиналардан унумли фойдаланиш ва сеялкалар қисмларини мувофиқ тарзда созлаш туфайли 30 тонна чигит иқтисод қилинди. Баттол Нуриев бошқарган агрегат айниқса унумли ишлади. Сеялка барабанлари бир текисда ерга ўғит ташлади. 72 гектар ерга тўрт кун деганда чигит экиш тугалланди. Бу йил бу коллектив 50 центнерлик маррани кўзлаган.

СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Кан О Нам бошлиқ бригада коллективи ҳам чигит экиш кампаниясини ниҳоятда уюшқоқлик билан ўтказди. Халқ контроли группаси аъзоси Эркин Рузиев бу бригадада механизатор бўлиб ишлайди. У ўз ҳамкасблари билан тўрт кунда 140 гектар ерга чигит экиб бўлди. Сўнг 60 гектар ерга канор экилди. Бригада халқ контроли группасига уч киши аъзодир. Экиш кампаниясини тез ва соз ўтказишда улар бошқаларга намуна бўлишди. СССРнинг 60 йиллиги шарафига бу коллектив гектар бошига 62 центнердан ҳосил олишга бел боғлаган.

Колхозимизда юқори ҳосил усталари оз эмас. Николай Пак бошлиқ коллектив ҳосилдорликни 55 центнерга, Мусурмонқул Исломов бошлиқ коллектив эса 50 центнерга етказишга бел боғлаган. Улар ҳосил тупларидан олинишини яхши билишади. Ўз муддатида экилган чигитлар ҳозир бир текис униб чиққан. Культивация ишлари қизғин бошланиб кетди. Улар ҳар бир ниҳолни авайлаб парваришлашга киришдилар.

Бу йил колхозимиз пахтакорлари 1037 гектар ерда деҳқончилик қилишяпти. Юбилей йили мажбурияти 45 центнердир. Бутун эътибор ҳозир мана шу мажбуриятни эгаллашга қаратиляпти.

Халқ контроли группаси аъзолари бошқа соҳаларда ҳам сергак турибдилар. Бу йил чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга катта эътибор беряпмиз. Махсус озуқа бригадаси тузилган. Бригада аъзолари ёдазорларда 5 — 6 ўрим ўтказишга сўз беришган. Кўк массани ўриб олиш, бедазорларни вақтида суғориш устидан назоратчилар алоҳида кўз-қулоқ бўлиб турибдилар. Фермаларга келаётган озуқа сарфиёти устидан ҳам пухта назорат ўрнатилган. Бу ерда Фарида Холбоева, Салима Ўролова каби актив назоратчилар бор. Улар ҳиссаси билан ферма коллективи сут ва гўшт тайёрлаш планларини мунтазам ортиги билан адо этиб келмоқда.

Т. ТОЖИХОНОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз халқ контроли группаси раиси.

ФАКТЛАРНИ РАССОМ ШАРҲЛАЙДИ

▲ Бекобод районидаги «КПСС XXVI съезди» совхозида минерал ўғитларни сақлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Совхоз раҳбарларининг эътиборсизлиги билан кейинги ойларда 6 тонна азот ва фосфор фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолди.

▲ Солдатский луб заводида тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатсизлигидан буюртмачилар дод дейишяпти. Ўтган ойларда улардан 11 та шикоят хати келди. Бунинг устига энди план ҳам оқсаяпти.

А. Ҳолиқов чизган расмлар.

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

МИНЕРАЛ ЎҒИТНИНГ САМАРАСИ ҚАНИ?

Бекобод районидаги Мавлонов номли совхозда ўтган йили ҳар бир тонна пахта учун нормадагидан 15,5 килограмм кўп азот, 12,1 килограмм фосфор сарф бўлди. Ҳосилдорлик эса 30 центнерга ҳам етмади. Бошқача қилиб айтганда район бўйича ўртача нормадан бу ерда анча кўп минерал ўғит сарфланди-ю, аммо ҳосилдирлик 3,1 центнер кам бўлди.

Чамаси бу минерал ўғитларнинг ҳаммаси пахтага берилмаган. Уларнинг кўпчилиги усти очиқ жойларда, ёмғир остида қолиб яроқсиз бўлиб қолган. Яқинда ўтказилган текширув давомида ҳам 12,5 тонна минерал ўғит қоидага хилоф равишда сақланаётганлиги маълум бўлди. Ҳозироқ 1,5 тонна аммофос ва калий фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган.

Райондаги бошқа хўжаликларда ҳам минерал ўғитларни сақлашга ва улардан самарали фойдаланишга эътиборсизлик билан қараламоқда. Ўтган йили район хўжаликларида область бўйича сарфланган ўртача миқдордан анча кўп минерал ўғит сарфланди. Лекин ҳосилдорликка келганда областнинг ўртача миқдорида қарийб тўрт центнер кам бўлди. Районда ўсимликларни биологик усул билан ҳимоя қилишга ҳам эътибор берилмаяпти. Фақатгина Ленин номли колхозда биолаборатория бор холос.

Янгийўл райони хўжаликларида ҳам минерал ўғитлар ҳамда заҳарли химикатлардан фойдаланишда пала-партишликка йўл қўйиляпти. Минерал ўғит кўп сарфланаяпти-ю, аммо ҳосилдорлик негадир ошмаяпти. Биргина «Интернационал» колхозида ҳар тонна пахта учун салкам 41 килограмм фосфор сарфланди. Ваҳоланки, район бўйича ўртача сарфланган фосфор 34,5 килограммдан ошмаган эди. Шунга қарамай хўжаликда пахта ҳосилдорлиги райондаги ўртача даражадан 1,6 центнер кам бўлди. Калинин номли колхоз бош агрономи М. Ҳожимуҳамедов ҳам минерал ўғитларни сақлаш ва сарфлаш устидан етарлича назорат ўрнатмаган. Бунинг натижасида олти тонна ўғит фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган. Бундай ҳолни Ҳ. Турсунқулов номли колхозда ҳам кўриш мумкин.

Область халқ контроли комитети хўжаликларда минерал ўғитлардан фойдаланишнинг аҳволини кўриб чиқиб, ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараётган кишиларга нисбатан тегишли жазоларни берди. Мавлонов номли совхоз директори вазифасини бажарувчи ўртоқ Каримов жиддий огоҳлантирилди. Калинин номли колхоз бош агрономи ўртоқ Ҳожимуҳамедовга выговор эълон қилинди. «Интернационал» колхози раиси Шукри ўғли Муҳтазар, Турсунқулов номли колхоз раиси Жўраев ўртоқлар ҳам огоҳлантирилди.

ЮЛДУЗ КЎРМАЙ...

Кейинги пайтларда Пискент районидаги Свердлов номли колхоз фермасида юлдуз кўрмай жон бераётган бузоқлар сони жуда ҳам кўпайиб кетди. Кейинги икки ой ичида салкам 20 та бузоқ касалликка чалиниб нобуд бўлди. Тўрт йилдирки, колхозда бош зоотехник ҳам, ветеринария врачи ҳам йўқ. Бу лавозимга қўйилган кишилар эса етарлича маълумотга ва тажрибага эга эмаслар. Ферма ишига раҳбарлик қоникарсиз бўлганлиги учун ўтган йили 172 бош мол мажбурий равишда сўйиб юборилди. Шулардан 57 таси ҳали бир ёшга ҳам тўлмаган бузоқлар эди.

Молларни вазни етмай сўйиб юбориш колхозга қимматга тушаяпти. Ўтган йилнинг ўзида колхоз 38 тонна гўшт кам олди. Бунинг ҳисобига 13 минг сўм зарар кўрилди.

Фермада сут соғиб олишни кўпайтириш устидан ҳам назорат бўшашиб кетган. Сутнинг ёғлиқлигини ўлчовчи лаборатория кўпдан бери ишламайди. Сут заводидагидар бундан фойдаланиб сутнинг ёғлилик даражасини кам кўрсатмоқдалар. Шу боисдан ҳам ўтган йили колхоз 49 тонна сутни бекорга йўқотди. Буни пулга чақса салкам 15 минг сўм бўлади.

Область халқ контроли комитети жамоат чорвачилигини ривожлантириш устидан назоратни бўшаштириб юборганги, хўжасизликка йўл қўйилганлиги ҳамда мажбурий равишда 172 бош мол сўйиб юборилганлиги учун колхоз раиси М. Авазовга қаттиқ выговор эълон қилди ва икки ойлик маоши ҳажмида начет солди.

Область халқ контроли комитети Пискент районидаги Калинин номли колхоз, Паркент районидаги «Паркент», Калинин номли, Энгельс номли, «Ленинобод» совхозларида ҳам чорва молларини кўпайтириш ва уларни парваришлаш ишларини текширди. Бу соҳада йўл қўйилган камчиликлар учун мазкур хўжаликларнинг раҳбарлари ҳам тегишли жазоларини олдилар.

ШИКОЯТЧИ ҲАҚ БЎЛИБ ЧИҚДИ

Область халқ контроли комитетига тушган хатлардан бирида «Ташоблсельстрой» трестига қарашли 95-кўчма механизациялашган колоннада маош фонди беҳуда совурилаётганлиги ҳақида маълум қилинган эди. Шикоят текширилган пайтда ҳақиқатан ҳам кўчма механизациялашган колонна бошлиғи И. Каримов, бош инженер Д. Мирҳўжаев вақтинча ишга ўзларича одам олиб, уларга аккорд наряд системасида ҳақ тўлаётганликлари аниқланди.

Калинин районида 48 минг парранда боқиладиган ферма қурилишида ўтган йилнинг сўнгги кварталида ишлаган Михнюк бошлиқ 18 кишилик бўёқчилар бригадасига аккорд наряд системасида ҳақ тўланди. Ишчилар бу участкада меҳнат тўғрисидаги қонунга ҳилоф равишда шанба ва якшанба кунлари ҳам ишлатилган эди. Нарядлар ўзгартираверилган, бухгалтерияга қечикиб топширилган. Ахир аккорд наряди бундай тузилмайди-да. Белгиланган иш вақтида тўла қувват билан ишлаган, объектларни ўз вақтида сифатли ишга туширган коллективларгагина аккорд наряд бўйича ҳақ тўланади.

Меҳнат тўғрисидаги қонунни бузиб, маблағларни совурган кўчма механизациялашган колонна бошлиғи И. Каримов ва бош инженер Д. Мирҳўжаевга выговор эълон қилиниб, ҳар бирига ойлик маоши миқдорида начет солинди. Бу жаҳл бошқа молия интизомини бузувчиларга ҳам сабоқ бўлиши керак.

БОСИЛМАГАН МАТЕРИАЛЛАР ИЗИДАН

ЧОРА КЎРИЛДИ

Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасига қарашли 3-трамвай депосининг бир группа ишчилари редакцияга хат йўллаб, ишчиларга сотиш учун олинаётган гўшт ва бошқа хил камёб саноат моллари тақсимлашда депо касаба союз маҳаллий комитети томонидан йўл қўйилаётган жиддий нуқсонлар ҳақида шикоят қилган эдилар.

Шу хат юзасидан Ленин район партия комитетининг иккинчи секретари Х. Мутдиновдан жавоб олинди. Хатда кўрсатилишича, трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг «Красновосточное» депосида ўтказилган текширишда фактлар асосан тасдиқланган.

Текширув натижалари бошқарма партия комитети мажлисида кўриб чиқилди. Депо касаба союз маҳаллий комитетининг раиси В. Ф. Борисевич ишчиларга сотиш учун келтирилган гўшт маҳсулотлари ва бошқа камёб моллар тақсимоти устидан назоратни бўшаштириб юборганлиги учун огоҳлантирилди.

Бошқарма касаба союз комитетининг раиси М. Валиевга касаба союз мажлисида гўшт маҳсулотлари, гилам ва бошқа камёб молларни тақсимлашда қатъий тартиб ўрнатиш масъулияти топширилди.

БИР ЁҒИ ХИРА...

Пойтахтимиздаги кўн — галантерия ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишга туширилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин корхона маркаси осилган маҳсулотлар кўпчиликка маълум ва манзур бўляпти. Ҳатто ўтган йил якунлари бўйича корхона шаҳар кўчма Қизил байроғини ҳам қўлга киритди.

— Бу ютуқларда бизнинг ҳам ҳиссамиз бор, — дейди бирлашма халқ контроли группаси раиси, бичиш цехи бошлиғи Ҳабибулла Ҳорабоев. — Группага 128 киши бирлашган. Улар план асосида ўтказилаётган рейдларда актив қатнашмоқдалар.

Яқинда бирлашмада меҳнат интизомига қандай риоя қилинаётганлиги кўздан кечирилган эди. Ўша кунги текширувда икки киши ишга кечикиб келганлиги маълум бўлди. Шу боисдан ҳам прогулчилар 13-маошдан маҳрум қилинди.

Маҳсулот сифатини ошириш бўйича ҳам корхонада қизғин мусобақа кетяпти. Ҳозир 17 хил маҳсулот давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда. Назоратчилар цех ва участкаларда бўлиб, савдога чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини алоҳида кўздан кечирмоқдалар. Улар ташаббуси билан ҳар пайшанба корхона бўйича сифат куни деб эълон қилинган.

Цехларнинг техник ҳолати, технологик жараёнларга қандай амал қилинаётганлиги, тежамкорлик учун курашнинг бориши ҳам вақти-вақти билан текшириб турилибди. Текширувни ўтказувчи маҳсус группалар бор. Ҳар бир рейд якуни бўйича группа бошлиғи кўпчиликнинг олдида ҳисоб бераяпти.

Лекин ҳамма соҳа ҳам эътиборда деб бўлмайди. Корхона ҳаёти билан чуқурроқ таниншсангиз ишнинг бир томони хира бўлиб турганини сезасиз. Энг аввало цехларни зарур хомашё ва материаллар билан таъминлаш устидан пухта назорат ўрнатиш керак. Хомашёнинг ўз вақтида етиб келмаётганлиги учун ҳам баъзан агрегатлар соатлаб бекор туриб қоляпти. Натижада маҳсулот хиллари бўйича белгиланган план ора йўлда қоляпти.

Шундай нуқсонлар учун ҳам ўтган йили 1 миллион 295 минг сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилди. Бунинг устига статистик маълумотлар ҳам бузиб кўрсатилди. Кўзбўямачилик ҳоллари бу йил ҳам давом этяпти. Январь ойида 2526 та аёллар сумкаси тайёр деб ҳисоботга ёзиб юборилди. Амалда эса бу сумкаларни тайёрлаш эндигина ниҳоясига етаётган эди. Улар февраль ойи бошларида тўла тикиб чиқарилди.

Бундан ташқари корхона маҳсулотларининг сифатсизлиги ҳақида тушаётган шикоятлар ҳам анча кўпайиб қолди. Ўтган йили жойлардан 134 та шикоят хати келди. Текширув пайтида улар тўғри бўлиб чиқди. Пировардида 170 минг сўмлик маҳсулотнинг сорти пасайтирилди. Бундан ташқари буюртмачилар олдида олинган мажбуриятнинг ўз вақтида бажарилмаганлиги учун корхона 116 минг сўмлик жарима тўлашга мажбур бўлди.

Гапираман десанг, гап кўп. Лекин халқ контроли группаси бу хира томонларни ўз вақтида кўрмаяпти, тегишли чора ва тадбирлар белгиламаяпти. Суҳбат даврида группа раиси Х. Қорабоев ҳам, корхона партия ташкилоти секретари А. Мустақимов ҳам фақат ижобий мисолларни тилга олиш билан чекланишди. Бу табиий албатта. Одам ўз айбини ўзи очиси келмайди. Лекин корхона ҳаётига чуқурроқ кириб борсангиз ишнинг бир ёғи шира, бир ёғи хира эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

З. АЛИМОВА.

ЧОРВАДОР ВА СОҲИБКОРЛАР ҲУЗУРИДА

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 112 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ БЎСТОНЛИҚ РАЙОНИДА ЎТКАЗИЛГАН АДАБИЙ УЧРАШУВЛАР.

Ўша куни хўжаликларнинг дала шийпонлари ва фермалари одамлар билан яна ҳам гавжум бўлди. Соҳибкорлар ва чорвадорлар ҳузурига республикамизнинг бир группа таниқли шоир ва ёзувчилари ташриф буюришган эди.

Область китобсеварлар жамияти ва область комсомол комитети ташаббуси билан уюштирилган бу учрашувлар йиғилганлар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади. Адабий учрашувлар доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 112 йиллигига бағишланган эди. Унда партия, Ленин, Ватан, меҳнат ҳақидаги шеърлар яна ҳам баралла янгради.

Меҳмонлар ферма ва далаларга жўнаб кетиш олдидан район партия комитетида суҳбатда бўлдилар. Область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев уларга жамоат чорвачилигини ривожлантиришда ферма меҳнаткашлари бажараётган улкан ишлар, озиқ-овқат программасини ҳал этиш йўлида кўрилаётган амалий тадбирлар тўғрисида сўзлаб берди. Бугунги учрашувлар доҳий таваллудининг 112 йиллигига бағишланаётганлиги яна ҳам аҳамиятлидир. Учрашувлар давомида ижодкорлар В. И. Ленин ғояларининг тантанаси ҳақида йиғилганларга жонли мисолларда сўзлаб беришлари, жангавар сўзлари билан уларни фидокорона меҳнатга даъват этишлари лозим.

Йиғилганлар Бўстонлиқ район партия комитетининг биринчи секретари Ю. В. Ҳайдуровнинг сўзларини ҳам диққат билан тинглашди. Район меҳнаткашлари бу йил эл дастурхонига 37 минг тонна ғалла, 7 минг тонна мева, қўплаб чорвачилик маҳсулотлари тортиқ қиладилар. Ҳозир бутун эътибор КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топширишга бағишлаб Тошкентда ўтказилган тантаналарда сўзлаган нутқида баён этилган вазифаларни бажаришга, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни бутун чоралар билан қўпайтиришга қаратилгандир.

...Ижодкорлар группаларга бўлинишиб, хўжаликлар томон йўл оладилар. «Ленинград» колхози ишчилари республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, жангчи-шоир Назармат Эгамназаров билан учрашдилар. Бу ерда меҳнат аҳлини мадҳ этувчи шеърлар янгради. Шеърхонликдан сўнг қизиқарли суҳбатлар бўлди. Ўзбекистон комсомоли XXII съезди делегати Санобар Эгамназарова, илғор ишчилар Жўра Мамарасулов, Ортиғой Йўлдошева ўзлари бажараётган ишлар ҳақида сўзлаб бердилар.

Ёш қаламкашларнинг бир группасини «Хўжакент» совхози ишчилари ёруғ чеҳра билан кутиб олишди. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Мамадали Маҳмудов, Ҳожиакбар Шайхов, Азимжон Суюн ва бошқаларнинг суҳбатидан совхоз ишчилари мамнун бўлишди. Улар йиғилганларни ўз ижод дафтарлари билан таништирдилар. Шеърлар, насрий асарлардан ўқилган парчалар катта қизиқиш уйготди.

— Бундай учрашувлар ишчиларимизга илҳом бағишлайди, — деди совхоз бригада бошлиғи Қўқон Эргашев, — бугун биз ёш ижодкорлар ижодхонасига сафар қилгандек бўлдик. Ленин, партия, меҳнат ҳақидаги шеърларни севиб тингладик. Ижодкорлар билан бундай учрашувлар тез-тез уюштириб турилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Районнинг бошқа хўжаликларида ҳам муҳтарама аввжига минди. Муҳтарама Улуғова, Муқаддас Абдусаматова, Мукаррама Муродова, Умида Абдуазимова каби истеъдодли қалам соҳибларининг ҳар бир шеъри бўқишлар билан кутиб олинди.

— Бугунги учрашувларга келган «адабий десант» ўз вазифасини муваффақиятли бажарди, чорвадор ва соҳибкорларга намунали хизмат қилди, — деди область комсомол комитетининг секретари Х. М. Абдураимов. — Шундай учрашувларни биз бошқа районларда ҳам ўтказишни планлаштириб қўйганмиз. Ўйлаймизки, адабий суҳбатлар ижодкорлар учун илҳом манбаи бўлади, кишиларни янги зафарларга руҳлантиради.

А. НОСИРОВА.

Суратларда: Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати «Парвоз» ансамблининг қатнашчилари Мансур Мамиров ва Ҳусан Носировлар Жданов номли колхоз меҳнаткашлари ҳузурида қўшиқ ижро этишяпти.

Шонра Муҳтарама Улуғованинг шеърият муҳлислари мамнунлик билан қарши олишди.

А. Мальцев фотолари.

ЯЙЛОВ ЗАҲМАТКАШЛАРИ

КЕЛЕС МАССИВИДА ЖОЙЛАШГАН ЧИНОЗ РАЙОНИНИНГ ЖАМБУЛ НОМЛИ СОВХОЗ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ШУ КУНЛАРДАГИ ИШЛАРИ ВА ҲАЁТИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАМИЗ.

Ажойиб рангда товланиб, ялт-ялт ёниб, кўзни қувонтириб дилни яйратади, далалар, қирадрлар. Кунлар исиб кетгач, адрларнинг жамоли янада кўркамлашиб кетди. Дон ўти, нўхатак, кўкмачитир, қўнғирбош, қизғалдоқлар ер бетини қоплаган. Ҳаво мусаффо, атрофга қараб тўймайсан. Ҳар ер — ҳар ерда қўй-қузилар ўтлаб юрибди. Чўпон уйлари, ўтовлар — кўзга ташланади. Ҳамма ёқ кўм-кўк. Фақат илонизи йўлларгина оқариб кўринади. Бу йўллар кафтдаги чизиқлардек ҳар томонга тарқалган.

Узоқдан бир уй кўринди.

— Бу ерда моҳир чўпон Омон Шуйбеков истиқомат қилади, — деди ҳамроҳимиз. Уй олдидаги ялангликда бизни Омоннинг ўзи кутиб олди Бу йигит машҳур чўпон Номозбой Шуйбековнинг укаси эди.

Бундан бир неча йил муқаддам чўл баҳодирлари ичида биринчи бўлиб Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган Номозбой ака отарида бўлган эдик. Ушанда Омон акасига ёрдамчи эди. У машаққатли ҳунарнинг ўқирчиқирларини эринмай ўрганди. Кўп ўтмай мустақил чўпон бўлиб етишди. Ҳозир у совхознинг пешқадамларидан. Хўжаликда биринчилар қатори қўзи олиш топшириғини бажарди.

Совхознинг марказига етиб келгач, чўпонлар шаҳарчасини завқ билан томоша қилдик. Қурилишлар қўлами анча кенгайибди. Совхознинг илғариги идораси болалар боғчаси ва яслиси учун топширилибди. Янги мактаб қурилибди. Қўчанинг ўнг томонида эса катта клуб савлат тўкиб турипти. Клубнинг ёнида совхознинг янги идораси. Клуб ва идора олдида кичкинагина истироҳат боғи ташкил этилган. Арчалар конуссимон шаклда ўсмоқда. Атиргуллар ғунчалаб турипти. Ҳар ер-ҳар ерда турли шиор ва плакатлар. Совхоз идораси билан клуб ўртасидаги асфальт йўлканинг ўнг томонида кўрсаткич тахтаси бор. Илғорларнинг портретлари қўйилган. Бу номларга назар ташлаймиз: П. Мусиров, Ж. Мусиров, Ю. Бакиров, С. Кошкинбоев, А. Очилбоев, О. Шуйбеков ва бошқалар. Булар совхознинг фахри, йўлчи юлдузлари.

Кўп ўтмай директор Раҳматулла ака Саъдуллаев ҳам етиб келди.

— Сувли ерларми?

— Етти юз гектардан ортиқ, — деб жавоб берди директор. Насос орқали Сирдарёдан беш босқичда сув чиқарилади.

Сўнгра директор ҳар йили бу ерларга картошка, сабзавот, резавор экинлари экилаётганлиги, чўпонларнинг эҳтиёжидан ортиқчаси давлатга топширилаётганлиги, маккажўхорининг ҳар гектаридан 60 — 70 центнердан дон ҳосили олинаётганлиги ҳақида гапириб берди. Боғзор ва токзорлар ҳам ташкил этганмиз. Чўл меваси — чўпон дастурхонини безаб турса қандай яхши!

— Бу йилги ишларимизнинг бориши ҳам чакки эмас, — дейди директор сўзида давом этиб, — маккажўхорини экиб бўлдик. Сабзавот, картошка қовун-тарвуз экиш ишларини ҳам тугаллаш арафасидамиз.

— Яна қандай янгиликлар бор?

Директор бу саволга жавоб беришга шошилмади. Унинг одати шунақа. Етти ўлчаб бир кесишни яхши кўради. Янгилик деганда нимани тушуниш керак! Кўзи олиш планининг ошириб бажарилганинми, йўқ. Бу ўзимизнинг доимий, мавсумий ишимиз, бурчимиз. Ахир хўжалигимиз қўйчиликка ихтисослашган. Илғорлар тажрибасини қўллаб, зооветеринария фани ютуқларини жорий этиб, қўйлар зотини яхшилаб, кўрсаткичларимизни кўтариб боряпмиз. Бундай ютуқка эришишнинг ўзи бўлмаётир. Энг аввало, биз, чўпонлар тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз, уларга барча шарт-шароитларни яратиб беришимиз лозим. Бийдек чўлда меҳнат қилишнинг ўзи бўладими? Чўпоннинг уйи ҳам, тўйи ҳам, қуйи ҳам шу чўл — бағрида. Партия ва ҳукуматимизга минг раҳмат. Бизга катта ёрдам бермоқда.

Совхоз ташкил бўлган дастлабки йилда ертўлада иш бошлаган эдик. Атрофда икки-уч ўтов бор эди, холос. Ҳозир эса чўлда шаҳарча бунёд этдик. Ҳаммаси халол меҳнатдан. Йилдан-йилга янги турар-жойлар кўпаймоқда. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилаётир.

— Эсингиздами, — деди директор ниҳоят, — бундан тўрт йил муқаддам, бу ерларга Сирдарёдан цистернали машиналарда сув ташиб келтирилар эди. Ҳув анави эски идора олдидаги гулзорларни, токзорларни ташиб келтирилган сув билан қўкартирганмиз. Энди бўлса водопровод суви оқиб турибди. Совхозни марказ билан боғловчи катта йўл қурилмоқда. Ҳар бир уйда газ бор, кичик электростанциямиз, телефон станциямиз ишлаб турипти.

Одамнинг тани соғ бўлса кайфияти чоғ бўлади. Иши юришади. Чўпонлар соғлиғи тўғрисида алоҳида қайғуриляпти.

— Қани, кетдик, — деди директор ва бизни сал нарирокдаги бино томон бошлади.

Бу ер хўжаликнинг касалхонаси эди. Атрофи гулзор, кўмкўк дарахт ораларига экиб қўйилган беделлар тиззага урриб турипти. Ҳамма бахра олсин, касалларнинг рухи кўтарилсин, деб директорнинг ўзи бу ишга бош-қош бўлди.

— Ёнидаги бинони янги қурдик, — деди директор, — аввал беморлар шу ерда қабул қилинади. Текшириб кўрилади, диагноз қўйилади.

Ичкари кирдик. Хоналар замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Ёшгина аёл — чўпон қизи Бейсекул Сейилбоева уйига қайтаётган экан.

— Раҳмат, доктор, — деди у. — врач Тўйчибек Асилбеков билан хайрлашар экан.— бутунлай соғайиб кетдим.

... Совхозда бошқа хилдаги маданий-маиший хизмат ишлари ҳам йил сайин яхшиланиб бормоқда. Аччиққўлда ва Бекбўтада ҳаммом ишлаб турипти. Келес савдо бирлашмаси кўчма магазинлари бу ерларга тез-тез келиб туради.

— Совхозимизда оммавий-сиёсий ишларнинг моҳияти оқибат натижада юксак самарага эришишга қаратилган, — дейди партия комитетининг секретари А. Саксенбоев. — Ҳозир тўқсон коммунист бор. Улар етти цех партия ташкилотига уюшган. Бу цех партия ташкилотларига тажрибали коммунист — мутахассислар, моҳир чўпонлар етакчилик қилмоқдалар. Социалистик мусобақа оммавий тус олган. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентга келиши ва республикамизга Ленин ордени топширилишига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқи асосида янги тадбирлар белгилаб чиқдик. Ҳар юз бош совлиқдан кам деганда 121 тадан қўзи олиш учун кураш бораётир. Бугун биз социалистик мусобақага якун ясадик.

— Ким голиб чиқибди?

— Сотиболди ака Кошкинбоев, — деб жавоб берди партком секретари.

— У кишини табриклаб келайлик, — деди директор. Совхознинг бир группа мутахассислари Кошкинбоев отарига йўл олишди. Бош чўпонни янги муваффақиятлари билан қутлашди. У ҳар юз бош совлиқдан олган қўзиси 130 тадан ортганлигини айтиб, янада унумли меҳнат қилишга сўз берди.

Сотиболди ака чиндан ҳам чўпонлар сардори. У ўттиз йилдан бери қўй-қўзи боқади.

Шу пайт бу ерга «Нива» енгил машинаси келиб тўхтади. Ундан чўпоннинг ўғли Шойбек Кошкинбоев тушиб келди.

— Ўтган йили мукофотга олинган машина, — деб изоҳ берди директор. Умуман, чўпонларимизнинг турмушига ҳавас қилса арзийди. Ҳар бир чўпоннинг йиллик даромади уч-тўрт минг сўмга тўғри келмоқда. Агар хўжаликда 380 хонадон бўлса деярли ҳар иккисидан биттасида енгил машина бор. Кажавали мотоциклларни айтмасак ҳам бўлади.

Совхоз марказига кечга тўғмон қайтдик. Қуёш уфққа бош қўяётган эди. Атрофга кизғиш олов рангдаги нурлар қамалаги ёйилди. Жимжитлик. Бу жимжитликни узоқ-узоқлардан келаётган қўй-қузиларнинг маъраши бузмоқда. Шаҳарчада электр чироқлари порлай бошлади. Кўп ўтмай клуб олди ва у ердаги истироҳат майдончаси гавжум бўла бошлади. Чўпонлар фидокорона меҳнатдан сўнг ҳордиқ чиқаришмоқда эди. Эл иши учун жонфидо, ҳар қандай қийинчиликларни енгишга қодир, баҳодир ва фидокор кишилар бор, бўлсин деймиз, баралла.

Н. РИҲСИЕВ.

РЕСПУБЛИКА БАЙРОҒИ ТОПШИРИЛДИ

Пойтахт области маданият муассасалари ходимлари ўтган йили меҳнаткашларга хизмат кўрсатиш савиясини ошириш соҳасида катта ютуқларни қўлга киритдилар. Шаҳар ва қишлоқларда янги 220 та бадиий ҳаваскорлик коллективи иш бошлади. Пахта йиғим-терими даврида қишлоқ меҳнаткашларига 120 та агитация-концерт бригадаси хизмат кўрсатди. Кўпгина районларда эса агитпоездлар ташкил этилди.

Илғор хўжаликларда маданий-маиший комплексларнинг ташкил этилиши хизмат кўрсатишни такомиллаштириш имконини бермоқда. Ҳозир областда ана шундай 40 та комплекс ишлаб турибди. Меҳнаткашларга кутубхона хизмати кўрсатиш ҳам яхшиланди.

Бу муваффақиятлар эвазига Тошкент область маданият бошқармаси республика социалистик мусобақаси ғолиби деб топилиб, Ўзбекистон ССР маданият министрлиги ҳамда маданият ходимлари касаба союзи республика комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланган эди. Ўтган куни бу мукофотни топшириш маросими бўлди.

Байроқ топширилишига бағишланган йиғилишни Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев очди. Ўзбекистон ССР Маданият министри З. Раҳимбобоева республика кўчма Қизил байроғини топширди. Область маданият бошқармасининг бошлиғи В. А. Емцов бу мукофотга жавобан маданият муассасалари ходимлари меҳнаткашларга хизмат кўрсатишни янада яхшилашларини айтди.

МЎЛ, СИФАТЛИ ПИЛЛА ЕТКАЗИБ БЕРАЙЛИК

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорлари асосида иш олиб борган областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўтган йили пиллачиликда ҳам салмоқли ютуқларни қўлга киритдилар. Давлатга 2323 тонна пилла сотилди ва план 117,3 процент бажарилди. 80 процентдан ортиқ хом ашё биринчи сортларга қабул қилинди. Ҳар қути қурт уруғидан олинган пилла 74,3 килограммга тўғри келди.

Пиллакорларимиз бу йил ўтган йилги ютуқларни янада мустаҳкамлаш, мўл пилла ҳосили олиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Бўлиб ўтган область семинарида бош пилла қуритиш идораларининг раҳбарлари ва мутахассислари, колхоз, совхоз пиллачилик агротехниклари, бригадирлари малака оширдилар.

Бу йил ҳам пилла етиштиришда ишлаб чиқаришга фан ва илғор тажриба ютуқларини кенг жорий этишга катта эътибор берилади. 15 минг қути қурт уруғини боқишда «Барака» стимуляторидан қўлланилади. Қуртларни очириш пайтида МУ-72М магнит қурилмаси билан ишлов бериш ҳамда пилла қуртини боқиш пайтида тут барглариини хлор аммонийси суюқлиги билан ҳўллаш сингари тадбирлар амалга оширилади.

Бу йил ҳам пилла етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш юзасидан пиллакорлар ўртасида ўтказиладиган социалистик мусобақа кенг кўламда авж олдирилади. Пиллакордар ўртасида ўтказиладиган социалистик мусобақа шартлари матбуотда эълон қилинди. Район ва область қишлоқ хўжалик органлари бу соҳадаги белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлашлари керак. Ҳар бир хўжалик, районда пилла етиштириш ва давлатга сотиш планларининг муваффақиятли бажарилишига эришиш зарур.

Яқинда область партия комитети пилладан юқори ҳосил олишга аҳд қилган бир группа илғорларнинг ташаббусини маъқуллади. Улар ҳар қути қурт уруғидан 135 килограммдан пилла етиштиришга сўз бердилар. Уларнинг ташаббуси кенг ёйилмоқда. Бу йил областда 2 мингдан ортиқ пиллакор ташаббускорлар изидан бориб меҳнат қилаётир.

Пиллачиликни саноат асосига ўтказиш юзасидан ҳам бирмунча ишлар амалга оширилаётир. Бу йил анчагина миқдордаги қурт уруғи пиллачилик комплексларида боқилади.

Хўжаликларда 339 инкубаторий мавсумга тахт қилинди ва бу ерларда ишнинг намунали йўлга қўйилиши учун зарур тадбирлар кўрилди.

Область колхозлари ва совхозларига пиллачиликда қўлланиладиган кўплаб жиҳозлар келтирилди: сўкчаклар, термометрлар, психрометр, тўшама қоғозлар, чўян печкалар тахт қилиб қўйилди.

Районлар ва хўжаликларда пиллакорларнинг слётлари ўтказилди ва уларда ўтган йил якунлари таҳлил этилиб, бу йилги вазифалар белгилаб олинди. Чиноз, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ, Орджоникидзе, Тошкент, Бекобод ва Бўстонлиқ районларида пиллачиларнинг слётлари, айниқса, ишчанлик вазиятида ўтди.

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари янги тут кўчатлари ўтказиш топшириғини ошириб бажардилар.

Қурт боқиш вақтида пиллани сифатли барг билан таъминлаш мақсадида мавжуд тутзорларни парваришлаш, қатор ораларига ишлов бериш, ўғитлаш, суғориш ишлари ҳам анча дуруст ўтказилмоқда.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентда бўлиши ва унинг республикамизга Ленин ордени топширилишига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқидан руҳланган «кумуш тола» ижодкорлари тўпланган бой тажриба, билимларини ишга солиб, ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида пилла етиштириш юзасидан олган юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун куч-ғайратларини аямайдилар.

А. МАТТИЕВ,
Тошкент область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи.

Суратда: (юқоридан пастга) илғор чўпонлар П. Мусиров ва О. Шуйбеков ўртоқлар. (Пастда) совхоз директори Р. Саъдуллаев (чапдан учинчи) ва мутахассислар тажрибали чўпон (чапдан иккинчи) С. Кошкинбоев отарида.

А. Абалян фотолари.

Редактор Н. НАСИМОВ.

ФУТБОЛ

ПЕШҚАДАМЛАР МАҒЛУБИЯТИ

Олий лига вакиллари мамлакат футбол чемпионатининг навбатдаги тур ўйинларини ўтказишди. «Пахтакор» бу safar Харьковда «Металлист» командаси билан учрашиб, 0:2 ҳисобида ютқазиб қўйди. Турнир жадвалининг иккинчи поғонасини эгаллаб турган «Кубань» ҳам мағлубиятга учради. Краснодарлик футболчилар ўз майдонларида «Спартак»ка 0:2 ҳисобида имконият бой бердилар. Учинчи ўринда бораётган «Қайрат» эса Днепропетровскда «Днепр»дан 2:3 ҳисобида енгилди. Киев динамочиларининг ҳам бу safar омадлари келмади. «Зенит» — «Динамо» учрашувида 2:0 ҳисоби қайд қилинди. Қолган икки учрашув — «Динамо» (Мн) — «Черноморец» —2:1, ЦСКА — «Арарат» —2:3 ҳисобида тугади.

«Пахтакор» ҳамон жадвалда карвонбошилик қилмоқда. «Спартак», «Кубань», «Динамо» (Мн), «Арарат» ҳисобида 7 тадан очко бор.

ЎҚИТУВЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Ангрен шаҳар халқ маорифи бўлими ташкил этган ўқитувчилар 3-анъанавий спартакиадаси ниҳоясига етди. Мураббийлар мактаб спорт залларида ўзаро мусобақалашдилар. Волейбол, баскетбол, стол теннниси, шахмат-шашка ва кичик калибрли милтиқдан отиш мусобақалари қизиқарли ўтди. 17-ўрта мактаб ўқитувчилари спартакиада голиблари бўлдилар. Иккинчи ўринни 25-мактаб, 3-ўринни 10-мактаб ўқитувчилари эгалладилар.

Чет эл Хабарлари

В. ЖУРАНОВИЧ НУТҚИ

▲ **БЕЛГРАД.** ТАНЮГ агентлиги хабар беради: ЮСФР скупщинасининг бу ерда ўз ишини тамомлаган сессиясида ўтган давр мобайнида ҳукуматнинг фаолияти тўғрисида иттифоқ ижроия веҳеси раиси В. Журанович ҳисобот берди.

У ЮСФРни 1981—1985 йилларда социал-иқтисодий ривожлантириш планини амалга ошириш давомида хўжалик фаолиятининг баъзи соҳаларида ижобий натижаларга эришилганлигини таъкидлади. Ялпи ижтимоий маҳсулот кўпайди. Саноат ишлаб чиқарувчи маҳсулот ҳажми ошди.

ТАНЮГ агентлиги шунингдек ЮСФР президиуми раиси С. Крайгер раҳбарлик қилаётган махсус иқтисодий комиссия «иқтисодий барқарорликнинг узоқ муддатли программаси асосларини» тасдиқлаганлигини хабар берди. Бу ҳужжат, деб уқтириб ўтади агентлик, «вужудга келган хўжалик проблемаларини ҳал этиш учун реал замин яратади».

ГСДРП СЪЕЗДИДА

▲ **МЮНХЕН.** Германия социал демократлар партиясининг бу ерда бўлаётган съезди ялпи мажлисида ҒФРнинг ташқи сиёсати масалалари ва биринчи навбатда Ғарбий Европада Американинг ўртача олисликка учириладиган янги ядро ракеталарини жойлаштириш тўғрисида НАТО қарори билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинди.

Бир қанча ўлка, округ ва шаҳар партия ташкилотларининг съезд арафасидаги баёнотлари, кўпгина таниқли социал демократларнинг нутқлари, шунингдек съездда ўтган группаси доирасида бўлган кескин мунозаралар Ғарбий Германия социал демократлари сафларида НАТОнинг хавфли планларини амалга оширишга ва ҒФРни Американинг «Першинг2» ва қанотли ракеталари учадиган майдонга айлантиришга қаршилик кўрсатиш кучайганлигидан далолат бермоқда.

МУЗОКАРАЛАР ОЛИБ БОРИШ УЧУН ЖЎНАБ КЕТДИ

▲ **ЛОНДОН.** Буюк Британия ташқи ишлар министри Ф. Пим музокаралар олиб бориш учун Вашингтонга жўнаб кетди. Бу музокаралар Буюк Британия ҳарбий кемаларининг зарбдор отряди Фолкленд (Мальвин) оролларига етиб келиши арафасида Англия билан Аргентина ўртасидаги можарони бартараф этиш йўлидаги сўнгги уриниш бўлади.

Лондон обзорчиларининг уқтириб ўтишича, Англия министрининг таклифлари бундан илгари Англиянинг ультиматум тариқасида қилган ва Аргентина ҳукумати рад этган талабларидан деярли фарқ қилмайди.

ХАВФСИЗЛИК ТАДБИРЛАРИ КУЧАЙТИРИЛДИ

▲ **ДЕҲЛИ.** Ҳиндистон шимоли-шарқий иттифоқ территорияси Мизорамда хавфсизлик тадбирлари кучайтирилди. ПТИ ахборот агентлигининг хабар беришича, полиция ва армия бўлинмалари давлат муассасаларини, корхоналар, кўприкларни, асосий автомобиль йўллари чорраҳаларини кечаю кундуз қўриқламоқдалар, чегарада кучли соқчилик қилмоқдалар. Мизорамнинг маъмурий маркази Айжални Силчар ва Лунгле шаҳарлари билан боғлаб турган Мизорам маъмурий маркази йўлларида транспортни махсус соқчилар кузатиб бормоқда. Агентлик пекинпараст сепаратчи гуруҳлар Мизорамда, Ҳиндистоннинг мана шу стратегик муҳим районида вазиятни беқарор қилиш мақсадида бир қанча ҳарбий ифвогарликлар тайёрлаётганликлари тўғрисида маълумотлар олинганлиги муносабати билан шундай чораларни кўриш зарур бўлиб қолди деб таъкидлайди

(ТАСС, 23 апрель).

Телевидение

24 АПРЕЛЬ, ШАНБА

МТ-I. 9.00 — Время. 9.40 — АБВГДейка. 10.10 — Концерт. 10.50 — Қўплаб сифатли товарлар етказиб беряпти. 11.20 — Спортлото. 11.25 — Голиблар. Фронтдош дўстлар клуби. 12.40 — Сизни қизиқтирган адабиётлар. 13.25 — Концерт 14.25 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 15.25 — Дунё вокеалари. 15.40 — Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида 1982 йил Ленин мукофоти лауреатлари. 16.40 — Мультфильм. 16.55 — Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 17.25 — Фильм-спектакль. 18.55 — 9-студия. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. С. Зорин олиб боради. 19.55 — Рим ҳикоялари. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.00 — Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Канада — СССР. 00.30 — Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финляндия — Швеция. 01.50 — Янгиликлар.

МТ-II 9.00 — Гимнастика 9.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 9.25 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Тонгги почта. 10.05 — Шимол варианти. Бадиий фильм. 11.25 — Ёшлар адресдари. 12.25 — Ҳужжатли экран. Украина ССР телевидениесининг программаси. 13.25 — Тезлатиш самараси. Украина ССР Фанлар академияси илмий кашфиётларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши ҳақида. 14.05 — Концерт. 15.20 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 16.05 — Телевизион спектакль. 17.25 — Музикали киоск. 17.55 — Халқаро обзор. 18.10 — Телевизион илмий-оммабоп фильм. 19.20 — Концерт. 20.30 — Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 — «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 21.30 — Время. 22.00 — Мартинчани ким ўғирлади. Бадиий фильм.

ЎзТВ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Сўз кетидан сўз келар. 10.30 — Концерт. 11.40 — Киноредакция почтасидан. 12.25 — Сахна устелари. СССР халқ артисти Наби Раҳимов. 13.55 — Шеърият дафтаридан. 14.25 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 17.00 — Дўстлик экрани. 18.00 — Мультфильм. 18.30 — Шоирлар — болаларга. 19.00 — Инсон ва қонун. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Бахс. Ёшлар учун ахлоқий — этик мавзуда кўрсатув. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII халқаро Тошкент кинофестивали олдидан.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Тошкент шаҳридаги ўрта умумий таълим мактабларини битирувчилар диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

Тошкент шаҳридаги ҳунар-техника билим юртларига

1982—83 ўқув йили учун

ўқувчилар қабул қилади

124-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

СЕКРЕТАРЬ-МАШИНИСТКА, СЕКРЕТАРЬ-СТЕНОГРАФИСТКА, ИШ ЮРИТУВЧИ, ЧИЗМАЧИ-КОНСТРУКТОР, ЭҲМ ОПЕРАТОРИ, ЭҲМ ПРОГРАММИСТИ, УЙИН АВТОМАТЛАРИГА ХИЗМАТ КУРСАТУВЧИ МЕХАНИК, ЭҲМГА ХИЗМАТ КУРСАТУВЧИ ВА РЕМОНТ ҚИЛУВЧИ МЕХАНИК.

Ўқиш муддати — 1 йил.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ётоқхона билан таъмин этилмайди.

ЎҚИШГА 10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар ойига 30 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар.

Билим юрти техника воситалари билан яхши жиҳозланган аудиториялар, шунингдек замонавий ҳисоблаш марказига эга. Унда ўқувчилар танлаган касблари бўйича мукаммал малака оширадилар.

Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик, техника ижоди тўгараклари, вокаль-чолғу ансамбли, турли спорт секциллари ишлаб турибди.

Билим юртини тамомлаганлар турли министрлик ва идораларга, йирик ҳисоблаш марказлари ва конструкторлик бюроларига ишга юборилади, ўқишни аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун йўлланма оладилар.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, 84-алоқа бўлими, Хуршид кўчаси, 45-уй (14, 44, 56, 88-автобусларнинг «Семашко» номли институт» бекати). Телефонлар: 35-52-12, 36-61-09.

Ўзбекистон ССР мебель саноати министрлиги ҳузуридаги

140-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

СТАНОКЧИ, ФАНЕРЧИ, ДУРАДГОР, ЕҒОЧНИ ҚАЙТА ИШЛОВЧИ, АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ СОЗЛОВЧИ, ПРЕССЛОВЧИ, ЮМШОҚ МЕБЕЛЛАРНИ ҚОПЛОВЧИ-БЕЗОВЧИ. Ўқиш муддати — 1 йил; **БАДИЙ ВА БЕЖАМДОР МЕБЕЛЛАР ДУРАДГОРИ, МЕБЕЛСОЗ ДУРАДГОР.** Ўқиш муддати — 3 йил; **ОШХОНА МЕБЕЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ МЕБЕЛЧИ-ДУРАДГОР.** Ўқиш муддати — 1 йил ва 3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ 8 ВА 10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал овқат, бепул кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 33 процента билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

3 йил муддатли таълим группасини тамомлаганлар диплом оладилар. Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан кириш учун йўлланма оладилар.

Билим юрти янги замонавий комплексда жойлашган. Унинг ҳузурида бадиий ҳаваскорлик тўгараги ва спорт комплекси ишлаб турибди.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Спутник массиви, 4-квартал (58, 75, 40-автобуслар, 19-троллейбуснинг «140-ГСПТУ» бекати).

Октябрь революцияси номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тепловоз-ремонт заводи базасидаги

155-ШАҲАР ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

ОЛИСГА ҚАТНОВЧИ ПАССАЖИР ВАГОНЛАРИНИНГ ПРОВОДНИГИ. Ўқиш муддати — 1 йил. Ўқишга 17,5 ёшгача бўлган ва ундан катта ёшдаги ўрта маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади. Уларга ойига 30 сўм стипендия тўланади. Ётоқхона берилмайди;

МАШИНАДА ҚОЛИПЛАШ ҚОЛИПЛОВЧИСИ. Ўқиш муддати—1 йил. 17,5 ва ундан катта ёшдаги 8 — 10 синф маълумотдаги ўсмирлар қабул қилинади. 8 синф маълумотдагиларга 30 сўм; 10 синф маълумотдагиларга ойига 70 сўм стипендия тўланади. Ётоқхона билан таъминланади;

УНИВЕРСАЛЬ-ТОКАРЬ. 17,5 ва ундан катта ёшдаги 10 синф маълумотдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Уларга ойига 30 сўм стипендия тўланади. Ўқиш муддати — 1 йил. Ётоқхона билан таъминланади;

ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТИ ВА РЕФРИЖЕРАТОР ПОЕЗДЛАРИНИНГ МЕХАНИГИ. 17 ва ундан катта ёшдаги 10 синф маълумотидаги ўсмирлар қабул қилинади. Уларга ойига 30 сўм стипендия тўланади, Совет Армиясидан запасга бўшатилганларга эса — 72 сўм стипендия тўланади. Ўқиш муддати — 1,5 йил;

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТИНИНГ ЁРДАМЧИСИ, ТЕПЛОВОЗ МЕХАНИКА ҚИСМИ РЕМОНТИ БУЙИЧА СЛЕСАРЬ, ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ, ТЕПЛОВОЗ ЭЛЕКТР ҚИСМИ РЕМОНТИ БУЙИЧА СЛЕСАРЬ, САНОАТ АСБОБ-УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БУЙИЧА СЛЕСАРЬ, СОВУТИШ АСБОБ-УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БУЙИЧА СЛЕСАРЬ. Ўқиш муддати — 3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ 8 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ ЎСМИРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал овқат, кийим-бош, шунингдек, ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 50 проценти билан таъмин этиладилар.

Ўқиш даври умумий меҳнат стажига киради.

Ўқишни битирганларга билим юртини тамомлаганлик ҳақидаги диплом берилади, ўқишни аъло баҳолар билан тугатганлар имтиёзли шартлар билан олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилинадилар. Билим юртини тугатганлар темир йўл ходимлари учун жорий этилган имтиёзлардан, шунингдек Совет Иттифоқининг исталган бурчагига поездда бепул боришкелиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) **СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, Ленин райони, Червяков кўчаси, 12-уй (1, 5-трамвайлар, 22-, 55-, 106-автобусларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-07.

«Главташкентстрой» базасидаги

22-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

ҚУРУВЧИ-ДУРАДГОР, ҚУРУВЧИ-БУЕҚЧИ, ОБЛИЦОВКАЧИ-ПЛИТАЧИ, МОЗАИКАЧИ, ЭЛЕКТР ГАЗ ПАЙВАНДЧИ. Ўқиш муддати — 3 йил.

8 синф маълумотидаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

ДУРАДГОР, ПАРКЕТЧИ, ОБЛИЦОВКАЧИ, ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ. Ўқиш муддати — 1 йил. 10-синф маълумотидаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртига қабул қилинганлар ётоқхона билан таъминланадилар ва Тошкентда пропискада турадилар.

Ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари ўқиш даврида уч маҳал овқат, иш кийими ва парад формаси билан таъминланадилар, практика даврида эса ишлаган меҳнат ҳақининг 50 процентини оладилар. Бир йил муддатли таълим группаси ўқувчилари ойига 30 сўм стипендия оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга кирадилар.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги, вокаль-чолғу ансамбли, спорт секциллари, отиш тири ишлаб турибди.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Ленин райони, Астрахань кўчаси, 12-уй (5-трамвайнинг «Зелёный базар»; 1-трамвай, 22-автобуснинг «Дегтяров кўчаси» бекати).

«Узбекхлопкомаш» заводи базасидаги

95-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

МЕТАЛЛ БУЙИЧА ТОКАРЬ, МЕХАНИК-ЙИҒУВ ИШЛАРИ СЛЕСАРИ, РЕМОНТЧИ-СЛЕСАРЬ, ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ, ЭЛЕКТР КУПРИКЛИ КРАН МАШИНИСТИ, ОТК КОНТРОЛЕРИ, АВТОСЛЕСАРЬ, ФРЕЗЕРЧИ.

ЎҚИШГА 15 ДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН, 8 — 10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИЛАР ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати: 8 синф маълумотидагиларга — 2 йил, 10 синф маълумотидагиларга — 1 йил.

Билим юртидаги ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Билим юртини тугатганлар юксак малакали мутахассис дипломини оладилар, шунингдек олий ўқув юртлари ва техникумларига имтиёзли шартлар билан ўқишга кириш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Ўқиш даврида 2 йил муддатли таълим группаси ўқувчилари тўла давлат таъминотида бўладилар, 1 йил муддатли таълим группаси ўқувчилари техника билим юрти программасига кўра ойига 30 сўм ҳажмида стипендия оладилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртида, чунончи юқорида санаб ўтилган барча ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлаш 6 ойлик курслари ташкил этилади.

Билим юртига электр пайвандчи, электр кўприкли кран машинисти ихтисосликларидан ташқари қолган барча мутахассисликларга исталган ёшдаги кишилар қабул қилинади.

Машғулотлар группаларнинг тўлишига қараб бошланади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) **СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Билим юрти адреси: 700077, Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Владимирский переулоги, 15-уй (1, 4, 17, 24, 63, 102-автобуслар, 17, 18-троллейбуслар, 13, 22-трамвайларнинг «Партия мактаби» бекати, М. Горький метро станцияси).

2-АВИАЦИЯ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича авиация саноати учун малакали мутахассислар тайёрлаб чиқаради:

УЧУВЧИ АППАРАТЛАРНИ ЙИҒУВЧИ СЛЕСАРЬ, СОНЛИ ПРОГРАММАВИЙ БОШҚАРИЛАДИГАН СТАНОКЛАРНИНГ АВТОМАТЛАРИ ВА КОНТРОЛЬ-ЎЛЧОВ АСБОБЛАРИНИ СОЗЛОВЧИ, ПРОГРАММАЛИ БОШҚАРИЛАДИГАН СТАНОКЛАРНИНГ ОПЕРАТОРИ, БУЕҚЧИ-СУВОҚЧИ, ТОКАРЬ, ФРЕЗЕРЧИ, МЕХАНИК-ЙИҒУВ ИШЛАРИ СЛЕСАРИ, САНОАТ АСБОБ-УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БУЙИЧА СЛЕСАРЬ, ОТК КОНТРОЛЕРИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 15—25 ЁШДАГИ, 8 — 10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 8 синф маълумотидагиларга — 3 йил. Ўқувчилар ўқишни битиргач, ҳунар билан айни вақтда тўлиқ ўрта маълумот ҳам олиб чиқадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўз касблари бўйича олий ўқув юртларига имтихонларсиз қабул қилинадилар; 10 синф маълумотидагилар учун ўқиш муддати — 10 ой.

3 йил муддатли таълим группаларига қабул қилинган ўқувчилар овқат ва махсус кийим-бош билан таъминланадилар; 10 синф маълумотидагилар эса ойига 64 сўм 77 тийин ҳажмида стипендия оладилар.

Билим юртида Беруний номидаги Тошкент политехника институти билан ҳамкорликда ташкил этилган Тошкент шаҳар олий ўқув юртларига кириш учун тайёрлов курслари ишлаб турибди.

Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ҳамма ўқувчилар меҳнат ҳақининг 33 процентини оладилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юрти программавий асбоб-ускуналар билан қуроллланган 12 та фан кабинетига эга. Бу кабинетлар замонавий техника воситалари билан ҳам мукаммал жиҳозланган.

Билим юрти қошида спорт секциялари ишлаб турибди, ўқувчилар бадиий ҳаваскорлик тўгарагида, вокаль-чолғу ансамблида, авиация тўгараги машғулотларига фаол қатнашадилар.

Билим юртини тугатганлар Тошкент политехника институтининг кечки ва сиртқи бўлимларига — самолётсозлик ва механика факультетларига, шунингдек бошқа олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга киришлари мумкин.

Билим юртини тамомлаганлар ўз ихтисосликлари бўйича В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида иш билан таъминланадилар.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) **СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент областидан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, У. Юсупов кўчаси, Авиационная проезди, 10-уй. Телефон 41-89-01.

127-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги корхоналари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаб беради.

ЭРКАКЛАР, АЕЛЛАР ВА БОЛАЛАР КИЙИМЛАРИНИ ТИКУВЧИ-БИЧИҚЧИ;

ЭРКАКЛАР, АЕЛЛАР ВА БОЛАЛАР КИЙИМЛАРИНИ ТИКУВЧИ-МОТОРИСТ.

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ШАҲАРГА ЯҚИН РАЙОНЛАРИДА ЯШОВЧИ 8 ВА 10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати: 10 синф маълумотидагиларга — 1 йил, мазкур мутахассислик бўйича мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида таълим олган ва тикиш-бичиш курсларини тугатганлар учун — 6 ой;

8-синф маълумотидагилар учун — 2 ва 3 йил.

3 йил муддатли таълим программаси бўйича билим юртини тугатганларга эгаллаган мутахассислиги бўйича ва тўлиқ ўрта маълумот ҳақида диплом берилади.

2—3 йил муддатли таълим группаларининг ўқувчилари ўқиш даврида давлат таъминотида бўладилар, бир йил муддатли таълим группаси ўқувчилари эса ойига 30 сўм ҳажмида стипендия оладилар, мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ва тикиш-бичиш курсларини тамомлаганлар эса ойига 70 сўм стипендия оладилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ўқувчиларга стипендияга қўшимча равишда иш ҳақининг 50 процента тўланади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар институт ва техникумларга юборилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) **СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, Энгельс кўчаси, 60-уй — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси территориясида (2, 9, 18, 57, 19, 21, 51, 60, 72, 81, 47, 62, 89, 24, 115, 117-автобуслар, 2, 3, 16, 22, 23, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Олой бозори» бекати). Телефонлар 35-62-41, ички телефон 3-35, 3-79.

Тошкент шаҳар, Магазин мавзуи кўчаси, 136-уй — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси филиалининг территориясида (10«эе», 43, 88-автобуслар, 27-трамвайнинг «Северный Алмазар» бекати). Телефон 48-64-04.

Тошкент шаҳар, Чехов кўчаси, 5«а»-уй (2, 3 ,25, 60, 80-автобусларнинг «Қизил тонг» бекати). Телефон: 33-19-24.

Ф. Хўжаев номидаги 1-пойафзал фабрикаси қошидаги

143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди: ПОЙАФЗАЛ ҚИСМЛАРИНИ БИЧУВЧИ, ЗАГАТОВКА ТИКУВЧИ, ТАЙЁР МАҲСУЛОТНИ ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ КОНТРОЛЕРЛАР, СЛЕСАРЬ-РЕМОНТЧИ, ЭЛЕКТРОМОНТЕР, КОНСТРУКТОР-МОДЕЛЬЕР, МОДАЛИ ПОЙАФЗАЛ ТИКУВЧИ.

Билим юртига қабул қилинган 8 — 10 синфни тамомлаган ўқувчиларга ҳамма ҳунарлар бўйича ўқиш муддати 6 ой ва улар 70 сўм стипендия билан таъминланадилар. Практикада ишлаган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР ТОШКЕНТДАГИ 1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИДА ИШЛАЙДИЛАР.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун пойафзалчилар маданият саройи, туристик ва спорт ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юрти қошида ишчи ёшлар мактаби бор.

Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.

БИЛИМ ЮРТИНИ ЯХШИ БИТИРГАН ЎҚУВЧИЛАРГА ТЕХНИКУМ ВА ИНСТИТУТЛАРГА ЙЎЛЛАНМА БЕРИЛАДИ.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) **ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (2, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

171-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

БУЕҚЧИЛАР, БУЕҚЧИ-АЛЬФЕРЕЙШЧИКЛАР, СУВОҚЧИЛАР, ҚУРУВЧИ-ДУРАДГОРЛАР, ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИЛАР, ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИЛАР, ҒИШТ ТЕРУВЧИ МОНТАЖЧИЛАР, ДУРАДГОР-ПАРКЕТЧИЛАР, ОБЛИЦОВКАЧИ-ПЛИТКАЧИЛАР, ЕҒОЧ ВА ГАНЧ ЎЙМАКОРЛАРИ.

Ўқиш муддати —6 ой ва 1—3 йил.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғриси-даги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак, ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақи билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Областлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН БОШЛАБ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар — 81, Домбробод кўчаси, 74-уй (54, 50, 70, 79, 80, 34, 103, 123-автобусларнинг «16-Поликлиника», 16-троллейбуснинг «Домбробод» бекатлари). Телефон: 77-49-53.

11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлайди: ЕРИТИШ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ЭЛЕКТР МОНТАЖЧИСИ, ИККИЛАМЧИ ЗАНЖИРЛАР КОММУТАЦИЯСИ БУЙИЧА ЭЛЕКТР МОНТАЖЧИ, АВТОМАТИКА ВА КОНТРОЛЬ-ЎЛЧОВ АСБОБЛАРИНИ ТУЗАТИШ БУЙИЧА СЛЕСАРЬ, КИНОМЕХАНИК (фильмларни текшириш ишини биладиган), **РАДИОТЕЛЕВИЗИОН АППАРАТУРАЛАРГА ХИЗМАТ КУРСАТИШ ВА ТУЗАТИШ БУЙИЧА РАДИОМЕХАНИК, ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ.**

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН, 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати —1—3 йил.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига тўлиқсиз ўрта маълумотлилар группасига кириб уч йил ўқиганлар ўрганган касби ҳақида ва тўлиқ ўрта маълумот ҳақида диплом оладилар. Улар кунига уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртига ўрта маълумотлилар группасига кириб (кинемеханиклар группасидан ташқари) бир йил ўқиганлар ўқиш даврида ҳар ойда 76 сўмдан стипендия оладилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 33 процентини (электромонтажчилар группасидаги ўқувчилар эса иш ҳақининг 50 процентини) оладилар.

Билим юртида эшкак эшиш ва бокс бўйича ихтисослаштирилган спорт группалари ташкил этилмоқда.

Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар электромонтажчи ихтисоси бўйича ўқишга кирсалар ётоқхона билан таъминланадилар. Улар учун ўқиш муддати қисқартирилган: ўрта маълумотлилар 7,5 ой, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар эса 10,5 ой ўқийдилар.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Билим юртини битирганлар техникумлар ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар эса корхоналардаги мажбурий хизматни ўтамай, ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун йўлланма билан юборилади.

Билим юрти яхши жиҳозланган спорт базасига эга, 14 та спорт секцияси доимо ишлайди. Техника ижоди тўгараги ва бадиий ҳаваскорлик тўгаракларга мавжуд.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановлик тўқимачилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 18, 33, 34, 45, 66, 70, 79-автобуслар, 4, 7, 9, 11, 14, 24-трамвайлар, 2, 6, 13, 15, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик» комбинати бекати).

ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДАГИ БИЛИМ ЮРТЛАРИГА ЎҚИШГА КИРИШ УЧУН ҚАБУЛ КОМИССИЯЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ЛОЗИМ:

Ҳунар-техника билим юртига қабул этиш ҳақида мазкур билим юрти директори номига ариза (танлаган касб аниқ кўрсатилиши шарт), ўрта мактабни тамомлаганлик ҳақидаги ҳужжат (гувоҳнома ёки аттестат), медицина справкаси (286-форма), учта фотосурат (3х4см). корхона ёки ташкилот (агарда ўқишга кирувчи шахс мазкур ташкилотлар томонидан юборилаётган бўлса) нинг йўлланмаси.

Ўқишга кирувчи билим юртига келган заҳоти қабул комиссиясига паспорти, чақирилиш қоғози (ҳарбий хизмат ёшдаги кишилар учун) ёки ҳарбий билет (запасдаги ҳарбий хизматга лаёқатли кишилар учун), кўрсатади, эътан бу ҳақда сўнг ўқишга кирувчининг шахсий варақасида қайд этилади.

Билим юртига қабул ҳақидаги аризани топширган киши унинг ўз танлаган касби бўйича ишлашга жисмоний лаёқатли ва соғлиги мувофиқ келишини аниқлаш учун медицина кўригидан ўтади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337915, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар—334048; 325354, партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 07187. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. А. 1591. 1 2